

## ҚОНУНИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Сўнгги йилларда иктисодиётда хусусий сектор улушининг салмоғи ортиб бормокда. Лекин афсуски, хали-хануз тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашиб, турли бюрократик тўсиқлар қўйиб ҳолатлари ҳам учраб турибди.



## ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Навбатдаги зарба кучли бўлди шекилли, Суръат йиқилиб тушди. Бу вақтда Самад ўзини идора қилишга ожиз бўлиб, ерда ётган ақасининг дуч келган жойига тепа бошлади. Суръат ўзини химоя қилмоқчи бўлар, ammo бунинг иложини тополмас эди.



# Mustaqillik huquq demakdir

# Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 13-may, №19 (696)

Қадрият

Огоҳликка даъват



## Инсон азиз, хотира муқаддас

Мана бир неча йиллири, 9 май санаси юртимизда Хотира ва қадрлаш кунини сифатида кенг нишонланади. Нега йиллири, бу кун ўтганлар хотирланадиган, инсон қадрланадиган кунга айланади. Дарҳақиқат, ўтмишни унутмаслик, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш миллий қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Аини кунларда мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлар зиёрат қилиниб, уларга меҳр-мурувват ҳамда иззат-қиром кўрсатишмоқда.

Республика Бош прокуратураси раҳбарияти ҳамда прокуратура фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳам бундай хайрли юмшдан четда тургани йўқ. Ўтган ҳафта эрта билан жанггоҳларда тинчлик учун қон кечиб, тизимда ҳам узоқ йиллар самарали фаолият юритган фахрийлардан бир гуруҳи Бош прокуратура биноси ёнига тўпландилар. Ҳамма йиғилгач, Мустақиллик майдони сари йўлга чиқилди. Манзилга етиб келгач, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Сўнгра шахидлар хотирасига бир зум сукут сақлаган ҳолда ҳурмат бажо келтиргач, урушда ҳалок бўлган ўзбекистонликларнинг номлари ёзилган мемориал лавҳалар ўрнатилган мажмуа бўйлаб ортга қайтишди. Машиналарга чиқиш олдинда майдон четига ўриндиқларда хордиқ чиқаришар экан, ёнларига кўксилари орден ва медалларга тўла бошқа фахрийлар келиб ўтиришди. Зумда суҳбат бошланди. Ким билсин, улар аини дамда нималар ҳақида гаплашишди экан? Балки, жанггоҳлардан қайтмаган

қуролдош дўстларини ёдга олгандилар? Еҳуд шундай дорилмомон кунларга етганликлари билан бир-бирларини қўтлашгандир?

Шу пайт аллақердан ўттиз-ўттиз беш нафар болакайлар пайдо бўлиб, фахрийларни ўраб олишди-да, бараварига салом берган ҳолда, уларга қўлларидаги анвойи гулларни тақдим эта бошлашди. Қарияларнинг чеҳраларига зумда табассум ёйилиб, айримларининг кўзларига ёш қалди. Болакайлар Чилонзор туманидаги 168-мактабнинг 2-синф ўқувчилари экан.

Шундан сўнг "Шахидлар хотираси" мажмуи томон йўл олдинди. Бу ер ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлиб, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари мажмуани зиёрат қилиб юрардилар. Фахрийларимиз "Қатагон қурбонлари" музейи директори Бахтиёр Ҳасанов ҳамроҳлигида музейини айланиб чиққанларига, ўрта ёшлардаги аёл уларни тўхтатди. Янгийўлдан иктисодиёт коллежи талабалари ҳам келишган экан. Эсдалик учун суратга тушмоқчи бўлишибди. Гарчи мажмуани айланиб, анча чарчашган бўлса-да, фахрийлар бажонидил розилик билдиришди. Сураткашлар зумда кекса ҳамда ёш авлоднинг мамнун қиёфаларини тарихга муҳрлашди.

Ҳа, тарих гилдираги тинимсиз айланаверади. Аммо инсоният, юрт тараққиёти, озодлиги учун хизмати сингган буюк аждодларимиз, боболаримизнинг хайрли ишлари умрбод ёдда қолади. Зеро, инсон хотира билан тирик, хотира билан барҳаёт.

Ўз мухбиримиз

## Ватанни севмоқ иймондандир

Юрт истиқлоли, Ватан мустақиллиги. Истиқлол оддий сўз, оддий атама эмас. Унинг моҳияти осмон қадар кенг, мазмуни эса уммон қадар чуқур. Бу улуг ва азиз неъматнинг замирида бутун бир мамлакатнинг, аини пайтда ҳар бир фуқаронинг эркинлиги, тинчлиги ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ҳамда порлоқ келажаги мужассам.

Башарият пайдо бўлгандан буён ҳеч бир халқнинг ҳаёти силлиқ ва равон кечмаган. Ота-боболаримиз юрт озодлиги ва ўз эрки йўлида мардонавор курашганлар, жон олиб, жон берганлар. Ҳар қандай вазиятда ҳам Ватанини, элини ҳимоя қилишдек муқаддас бурча ҳиёнат қилмаганлар, туғилган заминини ташлаб кетмаганлар. Эрон шоҳлари Кир ва Доронинг беҳисоб қўшинлари, Александр Македонскийнинг истилоси, араб босқинчилари, Чингизхоннинг ваҳшати ҳам бу туйғуни сўндирмаган. Нега бор мағлубият азобларини бошидан кечирган, ammo тақдирга тан бермасдан, қўлай фурсат келиши билан миллий салтанатларини қайта тиклаган, ўзлигига қайтган.

Қўҳна заминимиз тарихи ўнлаб салтанатлар, катта-кичик давлатлар тарихининг қомуси, аини пайтда не-не шоҳлар, султонлар, хонлар ва амирлар ҳаётининг гувоҳидир. Аммо бу тождорлар орасида фақат буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларигина миллатларнинг шарафини, Ватаннинг шавкатиини тўлиғича зиммасига олиб, "Бизким мулки Турон, Амири Туркистонимиз. Бизким миллатларнинг энг қадими ва энг улуги Туркининг бош бўғинимиз", дея ҳайқирган ягона ҳукмдор эди. Салқим бир ярим асрлик истибод, етмиш йилдан ортиқроқ яккахоким бўлган коммунистик мафкура одамларимизнинг юрагини олиб, итоаттўй қилиб қўйганди. 1991 йилда Юртбошимиз Ислам Каримовнинг иродаси, азму шижоати, дадиллиги ва даъвати билан халқимизнинг асрий орзуси, азалий армони ушалди. Тарихий адолат тикланиб, мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинди.

Диёримиз тарихида биринчи бор давлат ҳокимиятининг таянчи ҳам, суянчи ҳам, эгаси ҳам ушбу мамлакатнинг халқидир, деган олижаноб фикр қонуний жиҳатдан эътироф этилди ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", тарзида абдан муҳрлан-

ди. Аини пайтда бу ҳуқуқ "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдир", деган молда билан мустаҳкамланди.

Бугун Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда тўлиқ шакланган, такомиллашган ва самарали фаолият кўрсатаётган қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тизимида хизмат қилаётган кишиларнинг барчаси айнан шу элнинг - дехқон ва чорвадор, қурувчи ва йўлсоз, талбиркор ва ишбилармон, муаллим ва шифокор, олим ва зиёлиларнинг фарзандлари экани ҳам ҳокимиятнинг асл эгаси халқ эканининг ёрқин ифодаси эмасми?

Мамлакатимиз мустақиллигининг самаралари, авваламбор, давлатчилигимизда намоён бўлди. Шу билан бирга, истиқлолнинг асосий нишонлари одамларимиз онгида, демак, маънавиятимизда бўй кўрсата бошладики, бу ҳол ҳар биримизга бестакор руҳ бағишлайди.

Кўпгина мамлакатларда маънавият ва ахлоқ тушунчалари қадрланмай қўйилган бир пайтда бизнинг юртимизда инсон руҳиятига, унинг закосига эҳтиром ва мурувват кўрсатилиши гоят аҳамиятлидир.

Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли асарига таъкидлагандек: "Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бутун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратта солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим". Ҳақиқатдан ҳам истиқлол шарофати билан юртимизда тарихий адолат тикланди. Юзлаб қадимий қўлёмалар нашр этилиб, буюк алломаларимизнинг қадимий ҳикмати обод қилинди.

Огоҳлик... Бу сўз ва унинг маъни мужассам асл маъно кейинги пайтларда мамлакатимиз аҳлининг фикру ҳаёлидаги ўй-кўчинмаларга айлиниб қолди. "Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин, — деган эди Юртбошимиз "Тафаккур" журнали Бош муҳаррири саволарига берган жавобларида. — Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам. Фақат бунинг учун, аввало, инсоннинг уйида, маҳалла-қўйида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак".

/Давоми 3-бетда/



“Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.  
Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда қўриб чиқилиши шарт”  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 35-моддаси

## Фуқаро манфаати – қонун ҳимоясида

Баҳромжон Юлдашев,  
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Маълумки, прокуратура қонунини назорат қилувчи орган. Бу борада мазкур ҳуқуқий органнинг зиммасида улкан масъулият турганини англаш қийин эмас. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари ҳар бир ариза ва шикоятларни ҳамда юридик шахслар мурожаатини қўриб чиқиб, фуқароларнинг ҳимоя қилишга қабул қилинган 5 та ҳуқуқий метъерий ҳужжатга нисбатан протест келтирилган.

Аниқланган қонунобузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 42 та тақдимнома киритилиб, 78 нафар масъул ва мансабдор шахс интизомий, 49 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан ариза ва шикоятларни қўриб чиқишда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилиш ҳуқуқларини тиклаш, жамият ва давлатга етказилган зарарларни қоплаш чоралари ҳам қўрилмоқда.

Жумладан, фуқаро А.Акрамова вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, Пенсия жағмарасининг Наманган шаҳар бўлими томонидан чекиртирилган нафақа пули берилмаётгани ҳамда уни олишда амалий ёрдам беришни сўраган. Аниқланишича, А.Акрамова 2006 йилнинг сентябрийдан 2009 йилнинг декабрь ойига қадар Россия давлатининг Чуваш республикасида яшовчи, 86 ёшли бетоб онасининг парвариши билан

ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга, уларнинг бузилиш ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг уч ойи мобайнида ташкилот, муассаса ва корхоналарда “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этилиши юзасидан 24 мартаба текширишлар ўтказилиб, қонун талабларига зид равишда қабул қилинган 5 та ҳуқуқий метъерий ҳужжатга нисбатан протест келтирилган.

Аниқланган қонунобузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 42 та тақдимнома киритилиб, 78 нафар масъул ва мансабдор шахс интизомий, 49 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан ариза ва шикоятларни қўриб чиқишда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилиш ҳуқуқларини тиклаш, жамият ва давлатга етказилган зарарларни қоплаш чоралари ҳам қўрилмоқда.

Жумладан, фуқаро А.Акрамова вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, Пенсия жағмарасининг Наманган шаҳар бўлими томонидан чекиртирилган нафақа пули берилмаётгани ҳамда уни олишда амалий ёрдам беришни сўраган. Аниқланишича, А.Акрамова 2006 йилнинг сентябрийдан 2009 йилнинг декабрь ойига қадар Россия давлатининг Чуваш республикасида яшовчи, 86 ёшли бетоб онасининг парвариши билан

банд бўлган. Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими эса А.Акрамова ўз уйида яшашга маъмурий бўлими томонидан пенсия пулини вақтинча тўхтатган.

Текширишда шу даврлар ҳамда 2010 йилнинг январь ва февраль ойлари учун 2.130.152 сўм нафақа ҳисобланб, 2010 йил 20 февраль кунини тўлиқ ундириб берилиши таъминланган.

Наманган вилояти прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг 3 ойи давомида 1188 нафар фуқаронинг бузилиш ҳуқуқлари тикланилишига эришилди. Шунингдек, Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар олти ойда умумлаштиришлар ўтказилиб, натижаси тезкор ва ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиб боришда ҳамда қонунийлик ва жиноятчилик ҳақиқи билан таққослаб, прокурор назорати йўналиши билан буйишча зарур чора-тадбирлар белгиланиши таъминланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат органи, корхона, ташкилот ва муассаса ёки жамоат бирлашмаларида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари доимий эътиборда бўлиши даркор. Зеро, ҳар бир хат ва ариза ортида инсон тақдирини, унинг орзу-интилишларини, ташвиш ҳамда муаммолари бор.

## «Хумо-Имкон-Сервис»даги қинғирлик

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 35-моддаси  
СВОЖДЛҚК Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси катта тафтишчиси

Мамлакат макроиқтисодий тараққиётига тadbirkorлик асосий бўгин ҳисобланади. Халқ турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи қонунлар тadbirkorлик фаолиятини эркинлаштириб, улар учун қўлай шарт-шароитлар яратилишига имкон берди.

Исроил Тошев тadbirkorлик соҳасини танлаганида кўпнинг манфаати билан қизиқмади. Кимнинг ҳисобидан бўлса ҳам фойдани ўз чўнтагига тушириш йўллари кўзлади.

“Хумо-Имкон-Сервис” МЧЖ раҳбари сифатида фаолият олиб борган И.Тошев жиноятга жазо муқарраллигини жуда яхши билар эди. У бош ҳисобчиси В.Дрогина билан жиноий тил бириктириб, “корлар ёғиб, излар кўмилади” қабилида иш тутди. Қонун талабини тушуниб туриб, гайриқонуний ишга қўл урди. Чунки, у Вазирил Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тadbirkorлик субъектларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддаси талабларини кўпол равишда бузди.

МЧЖда ҳақиқатда ишловчи ходимлар сони 39 нафарни ташкил қилган ҳолда 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича Когон туман солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҳисоботларда ходимлар сони 25 нафар деб қайд этилди. Белгиланган имтиёзлардан ўз манфаатларини йўлида фойдаланган жиноятчилар ягона солиқ тўловини тўлаб, амалда умумий тартибда тўловини лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи каби солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан “Хумо-Имкон-Сервис” МЧЖни “озод қилишган”. Натижада, давлат бюджети жами 9 млн. 24 минг 600 сўм миқдорда зарар кўрган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилган И.Тошев жиноятга яраша жазоланди. Етказилган зарар тўлиқ қопланди. Икки йилга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган И.Тошевнинг ҳар ой маошидан 20 фоизи давлат даромадига ундириладиган бўлди.

## Ер билан тиллашсанг...

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган исоҳотлар натижасида деҳқон фермер ҳўжалиқлари ривожланиб, улар фаолиятининг аҳамияти ортиб бормоқда. Амалга оширилган ишларнинг таҳлилий натижаси фермер ҳўжалиқларидаги ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш Республикаимиз ҳукуматининг диққат марказида бўлиб, бу соҳага қаратилган қатор қонуний ҳўжатлар қабул қилинмоқда. Бу эса фермерликнинг янада ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Демак, энди фермерларнинг зиммасига ер билан тиллашиб ишлаш масъулияти юкланмоқда. Аввало, ҳар бир деҳқон ерни ўз бодисидек меҳр билан парвариш қилишни ўрганмоғи лозим. Чунки, она замин ўзини боққан одамдан саховатини аямайди. Лекин баъзи фермерларнинг “ер меники, хоҳлаган ишимни қиламан”, деб кўнглига келганини қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Гофуржон Раҳимбоев ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди. Санганак қишлоғида туғилган Гофуржоннинг деҳқончилик ҳадисини олмагалиги, ҳақиқий фермер бўлиб етилмаганлиги қилаётган ишларидан ҳам кўришиб турибди. 2006 йилнинг 29 март кунини рўйхатдан ўтган “Нурдиёр Гофуржон” фермер ҳўжалиғи раҳбари бўлган Ф.Раҳимбоев ерга эга бўлишни билган-у, лекин бошоқидон экинларидан ҳосил етиштириш ва харид қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарорларини бажариши кераклигини хаёлига ҳам келтирмаган. Бир бошидан айтадиган бўлсак, 2008 йилнинг ноябрь ойидаги оптималлаштирилган сўнг “Нурдиёр Гофуржон” фермер ҳўжалиғига яна 12,6 га қалба йўналишидаги ер майдони қўриб берилди. Ана-укаларнинг ер майдонлари бирлашди. Энди Гофуржон ва Тилибжонлар бир жонга, бир тун бўлиб, фермер ҳўжалигини гуллашти юборса бўларди. Афсус, улар бунинг ақсини қилишди. Натижада эса на хирмони донга, на боғи болга тўлди.

2009 йил ҳолатида ушбу ҳўжалиқнинг жами ер майдони 19,6 гектарни ташкил қилган. 12,6 га лалми, 2,1 га яйлов, 4,8 гектар боғдан на бир кило узум, на бир савла олма ёки бир сиким бугдой олинди. 2008 йилнинг қузида ҳосил ўз-ўзидан тоширилмади. Галлани-ку қузда экмишмаган эди. Лекин, узум, олма-чи? Бу саволга улар қўқламда барча ниҳолларни дўл уриб кетди. Деган баҳонани рўқач қилишди. Ҳосил берилган 1,5 гектар боғни ҳеч ким билан маслаҳатлашмай бузилиб, ўрнига 1,3 га гилос, қолганига қайтадан тоқ кўчатларни ўтказишгани ҳақида бирон ҳўжжати расмийлаштириб ҳам қўйишмади. “Русхатен” қилинган бу ишлардан тегишли идораларнинг хабари борми?”, деган саволга Гофуржон: “ниҳоллар, кўчатлар яхши ривожланиб кетганида, ҳўжатларни расмийлаштироқчи эдик”, дедди, холос.

Гофуржон Раҳимбоевнинг укаси Тилибжон фермер ҳўжалиғида ҳисобчи бўлиб ишлади. Бу йигитнинг устмонлигига қойил дейсан киши. “Нурдиёр Гофуржон” фермер ҳўжалиғини боғдорчилик йўналишига ўтказиб бериш учун “тап орамизда қолади”, дея “Паркент-Бошқизилсой” агрофирмаси раиси Қ.Исмоновга “одамгарчилик” қилди. Афсуски, тап орада қолмади. Қ.Исмоновга берилган 150 000 сўм миқдордаги пул “оёқлаб” кетди...

Иш билганга минг танга, деган гап бор халқимизда. Агар Гофуржон Раҳимбоев бироз ақду фаросат билан иш юритганда, бағвалар чўқмасди. Қолаверса, экинган ҳосилдан давлат ҳам, ўзи ҳам манфаатдор бўларди. Яна у киши қишлоқ ҳўжалиғи бўлимида фаолият юритётган мутаассадлар билан маслаҳатлашиб, билмаганларини сўраб ўрганганида, бугун номи “фахр” билан тилга олинмасмиди. Қонун барчага баробар. Фуқаро Гофуржон Раҳимбоев қонун олдига қамол берди. Суд томонидан унинг қилмишларига яраша тегишли жазо чоралари белгиланди. Қилмиш-қилдириш деб шунини айтсалар керак-да.

Нурғали КАРАБАЕВ,  
СВОЖДЛҚК  
Департаментининг  
Паркент туман бўлими бошлиғи

## Иш ҳақини тўлаб қўйинг!

Юқсалиш йўлида амалга оширилаётган ўзгаришлар, чора-тадбирлар янада эркинроқ, алоқатлироқ жамият барпо этишга, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятга моликдир. Жамиятнинг янгилаш, иқтисодийнинг юксалтиришини ҳозирги босқичда прокуратура органларига ҳам алоҳида масъулият юклаган. Қонунийликни таъминлаш, алоқат устуворлиги тамойилини тўлиқ юзага чиқариш, мақсадларимиз йўлида тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этиш ана шундай вазифалар сирасига кирди. Мирзачўл туман прокуратураси томонидан ҳам бу борада бир мунча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори юзасидан мониторинг текшируви ўтказилди. Аниқланишича, И.Ақбердиев ўз бошқарувида бўлган “Зил-130” русумли юк ташуш автомашинасида 2008-2009 йилдаги пахта ҳосилдани гарамланган пахта хом ашёсини “Пахтазор” пахта қабул йилиш шохобчасидан “Иржар” ПТКга ҳамда Дўстлик туман пахта қабул қилиш корхоналарига ташиган. Бу ҳақда Гагарин шаҳар “Прокофьев транс” кенг тар-

Ж.АЧИЛОВ,

Мирзачўл туман прокуратураси терговчиси

моқли ҳусусий фирмасининг 1-сонли буйруғи ҳам чиқарилган.

Бироқ 2010 йилнинг 1 февраль кунига қадар унинг жами 1.071.287 сўмлик иш ҳақи асосини равишда тўланмай келинган. Афсуски, бу каби камчиликларга текширув чоғида кўп бор дуч келинди. Хусусан, Р.Ғазиев, Е.Молдабеков, Р.Эгамов, А.Эркабаев каби ҳайловчиларнинг ҳам жами 11.022.487 сўм иш ҳақлари тўланмастан, қардорликка йўл қўйилган.

Шу ўрнида таъкиллаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154, 161-моддаларида иш бевуриги ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар ҳодимга бажарган иш учун тегишли иш ҳақларини белгиланган мuddатларда тўлаши шарт, дея кўрсатиб ўтилган.

Текшириш натижасига қўра, Гагарин шаҳар “Прокофьев транс” КТХФдан 14 нафар ҳайдовчи фойдаласига жами 11.022.487 сўмлик иш ҳақини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлароқ судига даъво аризаси киритилди. Шунингдек, ҳусусий фирма раҳбари О.Прокофьевга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.



# Ватанни севмоқ иймондандир

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Инсонга Яратган томонидан ато этилган энг тансиқ неъматлардан бири тинчликдир. Чунки халқимиз тинчлик туфайлигина ҳар қандай қийинчиликни ентиб, фаровон ҳаёт кечириб мумкинлигини, тинчлик бўлсагина еган лўқмаи ҳалоли ичига тушишини, хурсандчилик қилиш кўнглига сиғишини, эртанги ҳур, фаровон ҳаёт умиди ила яшаши мумкинлигини қалбан ҳис этади. Зеро, неча-неча ажлоллар орзу-армони бўлган истиқлол не бахти бизларга насиб этган экан, уни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг олий бурчимиздир.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишлар кўлами ҳам беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниҳоятда тереб. Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустақкам тинчлик-осойишталикнинг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат - тинчлик ва осойишталик учун шукроналар айтишимиз даркор. Чунки шундай таҳдидли замонда бунга эришишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Ватанга фидойилик билан бир вақтда, минг афсуски, унга хиёнат ҳам нур ёнидаги соя каби ҳамиша мавжуд. Аслида хиёнат жоҳилликдан келиб чиқади. Матрифатли киши эса ҳамиша диёнатли бўлади. Ватан ва миллат шаъни ҳақда ўйлайди, юрт келажаги, миллат обрўси,

ор-номуси тўғрисида қайғуради. Ўз қадрини билган инсон юртига ва халқига тош отмайди. Агар кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз ер бўлар, дейилади халқ мақолида.

Диний ва дунёвий илмлардан беҳабар кимсалар ёки чаламуллар биллиб-билмай бизни кўролмайдиганларнинг тегирмони га сув қўймоқдалар. Улар "Ҳизб-ут таҳрир" бутун муслмон дунёсида қувғинга ураганлигини, "Ақромийлар" ва "Ваҳҳо-бийлик" сингари нопок ҳаракат ортида муқаддас динимизни ич-ичидан бузиб келётган, чет элдан катта моддий ва мафкуравий ёрдам олаётган гаразли кучлар туришини билмайдиларми ёки билсалар ҳам озгина манфаат эвазига ватанфурушларни кўриб нафратланасан киши. Туз ичган жойининг тузигига тулпурган, она юрти-олтин бешигидан юз ўтирган Ватан галоси, кафан галосига айланганларга қараб: "Элдан айрилгунча, жондан айрил", дегинг келайи.

Ватани севмоқ иймондандир. Демак, иймонли инсонгина Ватани севди. Ватан шаъни учун курашиш эса муқаддас бурч ҳисобланади. Унга хиёнат қилиб ёки тош отиб бўлмайди. Бу нафақат кўрнамаклик, балки иймонсизлик ҳамдир. Ё раб нетайин не юз қароли бўлди. Шои Ватанининг қадрига етмасликини нафақат "хатоли", балки "юз қароли" дея

Тарихдан маълумки, не-не алломалар, шоир фузалолар тақдир тақозоси билан Ватандан айро тушганлар. Улар аччиқ қисматдан оқлар чекиб, Ватанининг бир сиқми тулпоғини кўзларига тўтиё қилишга зор бўлганлар. Бобурдек азамат саркарда, улуг ҳукмдор ҳам ўз умрига назар ташлаб, энг катта хатоси Ватандан кетгани эканлигини тан олган эди:

Толёй йўқи жонимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишники, айладим, хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб нетайин не юз қароли бўлди.

Шои Ватанининг қадрига етмасликини нафақат "хатоли", балки "юз қароли" дея

Анвар КЕНЖАЕВ,  
Жанубий-ғарбий алоҳида  
ҳарбий округ ҳарбий прокурори  
Норбўта ҒОЗИЕВ,  
журналист

баҳолаган.

Мана шундай ёниқ мисраларни ўқиғанинда, юрт қадрига етмаган, чет мамлакатларнинг қулларига айланлиб қолган айрим кимсаларни оғоҳлантириб қўйинг келайи. Орамиздан сотқинларнинг чиқиши, ўзга юртларни деб, ўз мамлакатига маломат тошларини отаётган, ҳатто қурол ўқатишга бораётган айрим ватанфурушларни кўриб нафратланасан киши. Туз ичган жойининг тузигига тулпурган, она юрти-олтин бешигидан юз ўтирган Ватан галоси, кафан галосига айланганларга қараб: "Элдан айрилгунча, жондан айрил", дегинг келайи.

Ватани севмоқ иймондандир. Демак, иймонли инсонгина Ватани севди. Ватан шаъни учун курашиш эса муқаддас бурч ҳисобланади. Унга хиёнат қилиб ёки тош отиб бўлмайди. Бу нафақат кўрнамаклик, балки иймонсизлик ҳамдир.

Бъзи хориж ОАВИА Ўзбекистонга тўхмат тошлари отилса, оқ билан қоранинг ёки ўйлорма билан ҳақиқатнинг фарқига бормасдан, атайлаб миш-мишларни авж олдириб юборалиганлар ҳам топилади. Ёнг ачинарлиси шундаки, улар кимнинг устидан қулишаётганини идрок этишмайди. Идрок этиш учун эса ақл-фаросат керак. Мазсўр тутасиз, ўз Ватани, мил-

лати, миллий маънавияти ва қадриятлари, турмуш тарзи устидан қуладиган одамга бошқача сифат бериб бўлмайди.

Европадаги тараққий этган давлатлар, жумладан, Германия фуқароларини олиб кўринг. Улар қайси миллатга ёки ирққа мансублигидан, қайси динга эътиқод қилишидан, бой ёки камбағаллигидан, ҳаётдан мамнунлиги ёки норозилигидан, ўзгалар ивсоси ёки тарбиёт-ташвиқоти-дан қатъи назар ўзлари яшаб турган мамлакат шаънини ҳамма нарсадан устун қўядилар. Ким қайси жойдан эканлиги муҳим эмас. Ёнг муҳими, улар Германия фуқароси эканликларида фохрланишади. Ҳатто Африкадан келган ҳабаб ҳам фуқаролики олғач, Германиянинг шаъни учун курашади.

Президентимиз журналистларга берган бир интервьюсида Ўзбекистон ҳеч қачон ҳеч кимга сунмаслиги, бу нарсанинг фойдаси ҳам йўқлиги, ҳеч ким бекордан-бекорга ёрдам бермаслиги ҳақда гапирган эди. Ва бу фикрни бу ёки у тарзда кейин ҳам кўп бор таъкидлаганди. Демак, Президентимизнинг фикрича, Ўзбекистоннинг битта дўсти бор — бу унинг халқи. Ўзбекистоннинг битта иттифоқчиси бор — бу унинг ёшлари, унинг келажаги. Меҳнаткаш, фидойи халқимиз ва соғлом фикрловчи ёшларимиз эса Ватан саждоғоҳ каби муқаддас эканлигини, унинг ҳар сиқми тулпоғи кўзга тўтиё эканлигини яхши билдилар.

Шундай экан, юрагида фақат бадниятлар ниш урган, кимларнингдир қўлида тирик қўғирчоқ, роботга айланиб, аримаган салақа эвазига бутун бир халқни, Ватанин сотган, пана-пастқамларда чаендек пайт пойлаб, захарли нишини буюк эл кўксига санчишга уринаётган манкуртлар яна бир бор биллиб қўйсинларки, ўзбекининг метин иродасини ҳеч ким бука олмаган, бука олмайди ҳам.

Яқинда Исландияда ҳаракатга келган вулқон туфайли Европа осмонини қул бўлти қоплаб, бутун қитъада самолётлар парвози тўхтатиб қўйилганлигидан хабарингиз бор. Натижада минглаб йўловчилар бир неча кунни аэропортларда бесамар ўтказишга мажбур бўлишди. Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда шу кунлари жаҳон авиакомпаниялари кўрган зарар 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу инсоният тараққийнинг бугунги даражасига етиб келган бир даврда экологик ҳалокатлар бир мамлакат ё бир қитъа миқёсида чекланиб қолмай, глобал аҳамият касб этишдан далолат беради. Айнан шу сабабга кўра тараққийпарвар давлатлар табиатни асраш, экологик мувозанатга путур етказмаслик чораларини кўришлари, табиий биохилмаҳилликни сақлаш, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни асраб қолш ва кўпайтиришни назарда тутувчи қонунларни қабул қилишлари керак.

Жаҳонда ўз ўрни ва мавқеига эга Ўзбекистон мисолида айтадиган бўлсак, юртимизда бу боранда талай ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан энг муҳими Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг тузилиши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида унга квота асосида 15 та депутатлик ўрни ажратилиши бўлди. Шунингдек, мамлакатимизда Қора-

## Табиат — бойлигимиз



қалпоғистон Республикаси прокуратураси таркибида Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси фаолият юритмоқда.

Давлат қўриқхоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёлғорлик боғлари, заказниклар, ботаника ва зоология боғлари, дендрарийлар, халқро "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар алоҳида муҳофаза этиладиган табиат худудлари ва объектлари жумласига кирлади.

Ўзбекистон Республикаси

худудлида ўндан ортиқ алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар мавжуд. Қорақалпоғистон худудлида жойлашган "Бодай-тўқай" давлат қўриқхонаси шулар жумласига кирлади. У Амударёнинг қуйи қисмидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш учун 1971 йили ташкил этилган. Умумий майлони 6462 гектари, шундан 3950 га ўрмон билан қопланган.

Қўриқхона ўзига хос флора ва фаунага эга бўлиб, унда ўсим-

Собир САИДОВ,  
Орол табиатни муҳофаза қилиш  
прокуратурининг ўринбосари  
Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
"Huquq"

ликларнинг 61 тури, қушларнинг 90 дан ортиқ, балиқларнинг 16 та, ҳайвонларнинг 20 дан зиёд тури мавжуд. Шундан ўсимликларнинг 2 тури, ҳайвонларнинг 11 тури халқро "Қизил китоб"га киритилган.

Ҳозирги кунда Амударёнинг сув режими бузилиши сабабли қўриқхона худуди кўп йиллардан бери қурғоқчилик даврини бошдан кечирмоқда. Қўриқхонанинг экологик шароитини яхшилаш, тўқайзорларни тиклаш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати ҳамда Жаҳон банки лойиҳаси асосида янги канал ва сувиншоотлари қуриляпти. Лекин айрим кимсалар ўз манфаатини кўзлаб қўриқхонадаги кўп йиллик турунглик теракларнинг қонунга хилоф равишда кесиб, табиатга зиён етказишмоқда. Алоҳида муҳофаза этиладиган худудларда мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг натижасида шундай ҳолатлар аниқланди.

Хусусан, 2009 йил 4 декабрь куни қўриқхона ишчиси Э.Ғаниев ҳаммаси О.Бегманов ва ноэирлар Х.Қадмуратов ҳамда М.Қурбонов билан жиноий тил бириктириб, Беруний туманида яшовчи фуқаролар О.Тожибоев, Ў.Ҳалимбетов, А.Тураев ва А.Солиқовларни ноқонуний равишда қўриқхонага киритиб, ўзларининг жавобгарлигида бўлган 481 та теракни кесиб, табиатга 29 млн. 311 минг 494 сўмлик зарар етказишган.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан уларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг 2010 йил 1-чорагидаги фаолиятига тўхтаганидан бўлсак, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жами 5 та текшириш ўтказилиб, қонун бузилишига йўл қўйган идораларга 9 та тақдирнома, ноқонуний чиқарилган қарорлар устидан 12 та протест киритилди. 9 та интизомий, 24 та маъмурий ва 2 та жиноят иши кўзгатилиди. Ётказилган зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судларга 4 та даъво аризаси киритилди.

Табиат — бойлигимиз. Унда нафақат бизнинг, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳаққи бор. Шундай экан, уни авайлаб-асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

# Қонуний ҳимоя — бош мезон

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу маънода Юртбошимиз томонидан истиқлолнинг мак кунларидеяё ҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий соҳада муваффақиятларга эришиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ўрин тутиши ҳақида тақдир ва тақдир таъкидланган гапларнинг нақадар тўғри эканлиги бугунги ҳаётимизда тўлиқ ўз исботини топмоқда.

Дарҳақиқат, бозор муносабатлари, хусусий мулк ва тадбиркорлик бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, хусусий мулкка асосланган бозор муносабатлари ва тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятни, албатта, иқтисодий ривожланишига олиб келади. Бозор муносабатларининг ривожланиши эса тадбиркорлик соҳасида иқтисодий эркинликни талаб қилади.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Президентимиз Исмоил Каримовнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонуналар, фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

Айниқса, иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиши кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг боиси, биринчидан, кичик бизнес бозор қонунчилиги, ҳақиқий рақобатчилик муҳитини шакллантиради. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринларини жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг иш билан таъминланишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан эса, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Халқимизнинг ана шу оддий ҳақиқатини тўғри англаган, тадбиркорлик ва ишбилармонлик салоҳиятига эга бўлган вақиллари эса ўзларига берилган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бу соҳанинг даромад келтирувчи тармоқ эканлигини амалда исботлаб бермоқдалар. Шунингдек, сўнгги йилларда Республика иқтисодиётида хусусий сектор улушининг салмоғи орди. Ўзбек ишбилармонлари жаҳондаги энг илгор мамлакатлар тадбиркорлари билан ўзаро муносабатларини йўлга қўйди. Албатта, буларнинг барчаси таҳсинга сазовор.

Аммо афсуски, ҳали-ҳануз тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ эркинликларини бузиш, уларнинг фаолиятига асосан аралашиб, турли бюрократик тўсиқлар қўйиш ҳолатлари учраб турибди.

Бу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш прокуратура органларининг устувор вазифаси дея эътироф этилган боис, тадбиркорлик фаолиятига доир қонун ҳужжатларининг аниқ ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтказилган назорат тадбирларида жойлардаги давлат бошқаруш органлари, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ, банк идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан бундай ҳолатларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилди.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, тадбиркорлик субъектларига

берилган имтиёз ва енгилликларини қўллаш ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижроси баъзи ҳолларда мутасадди идоралар томонидан бажарилмаган.

Хусусан, 2009 йилнинг 12 ойи мобайнида 1330 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилган бўлиб, шундан 369 ҳолатда мувожазлар қонунда кўрсатилган муддатда қўриб чиқилмаган бўлса, 280 тасида ортиқча йиғимлар ундирилган. Тадбиркорлик фаолиятига 123 марта ноқонуний арала-

ли, Ўзбекистон, Бувайда, Риштон, Фарғона, Олтиариқ, Тошлоқ, Боғлод, Бешариқ бўлимлари томонидан 33 та ҳолатда 483 миң сўм, "Агробанк"нинг Тошлоқ, Данғара ва Ёзёвон бўлимлари томонидан эса, 8 та ҳолатда 66 миң сўм ортиқча тўловлар ундирилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари юзасидан 112 та жиноят иши қўзғатилди. Маъзур жиноят ишларининг 27 таси пора-хўриқ, 27 таси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги, 38 таси ўзгалар мулкни ўзлаштириш, 5 таси фуқароларнинг мувожазлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва 15 таси бошқа шу турдаги жиноятлар туркумилидир.

Масалан, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси инспектори О.Азимов Яқкасарой туман солиқ инспекцияси ходими М.Хусанов билан тўл бириктириб, "Ўлмоқдор-сервис" хусусий корхонасига қарашли дорихонада ўтказилган тафтиш натижасида аниқланган камчиликларни расмиylаштирмастик эвазига корхона раҳбари



А.Умаровдан тамағирлик йўли билан 1200 АҚШ доллари талаб қилган. У маъзур маблагини 700 долларини олган вақтда ушланган.

Чилонзор туман ДСИ бош инспектори С.Ғафуров эса "НВС-Бизнес-Трейдинг" хусусий корхонасига қарашли савло дўкони ўз фаолиятини бирон-бир тўсиқсиз юритишини таъминлаш эвазига 800 АҚШ доллари миқдорига "хизмат ҳақи" сўраган. Корхона раҳбари Н.Толибов айтилган суммалдан 300 долларини С.Ғафуровга "қўстирган" пайтда унга "халал" бериб қолишди.

Ҳамза туман ДСИ ходими Д.Мирзааҳмедов ҳаммасабридан озгина бўлса-да "инсофий"роқ экан. У тумандаги "Жастин Сервис" МЧЖ раҳбари Ж.Қаюмовга дўконда аниқланган қонунбузарликларни расмиylаштирмастик атиги 700 АҚШ долларига тушишини пинсадна қилиб, 600 доллар билан 200 миң сўм пулни олган вақтда қўлга тушди.

Бундай ишларда ҳокимлик ходимлари ҳам анчайин "ҳожатбарор" эканлар. Термиз шаҳар ҳокимлиги бўлим муллари Ш.Қолиджонов хусусий тадбиркор М.Каримовдан шаҳардаги "Карпов" бозори ёнидан 0,01 га ер майдони ажратишга оид ҳужжатларни расмиylаштириш ва ҳокимликнинг қарорини чиқариш эвазига талаб қилган 5 млн. сўмдан 3 млн. сўмини олган вақтда ушланган.

Юқорида таъкидланганидек, ҳукуватимиз томонидан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш буйича қатор ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, тадбир-

корликни ривожлантириш ва уларга молиявий кўмак бериш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган айрим банклардаги аҳвол қонқарли даражада эмас. Улар тамағирлик, кредитлар ажратишдаги сунъий тўсиқлар, ҳисоб рақамларидаги пул маблагларини талон-торож қилиш каби ҳолатларни ҳам хизмат вазифалари қаторига қўшишга ўхшайди. Йўқса, "Микрокредит-банк"нинг Каттақўрғон шаҳар филиали бошқарувчиси Ш.Мўминов "Турғунбой Эгамбердиевич" номида деҳқон хўжалигига парранда сотиб олиш учун 9 млн. 800 миң сўм кредит сўраган фуқаро С.Боғоевдан 300 миң сўм талаб қилармиди?

Ёки, "Агробанк" Балиқчи туман бўлими мансабдорлари "Чинобои" пахта тосалаш акциядорлик жамияти ҳисоб рақамиди 80 та фермер хўжалиқларига тегишли бўлган 489 млн. сўм пулни уларнинг розилигисиз бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ўтказиб беришгани қандай изоҳлаш мумкин?

Чиллаки чиллакини қўриб чумак урибли" деганларидек, жойларда айрим давлат бошқаруш органлари ва хўжалик жамиятлари мансабдор шахслари тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи хатти-ҳаракатлар қилишда банклардан қолшимасликларини амалда исоптотилди.

Масалан, Термиз туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати бошлиғи К.Султонов "Roshier Aslzod" хусусий фирмаси томонидан сотиб олинган бинони бошқа фуқарога ноқонуний равишда расмиylаштириб, фирма манфаатларига жиддий зиён етказган. "Андижоннефгаза" унитар корхонаси Пойтуғ филиали ходимлари С.Идрисов ва Н.Исақовлар эса, ўзлар келишган ҳолда, ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан фермер хўжалиқларига ажратилган 1,7 млн. сўмлик 1,9 тонна нефть маҳсулотини талон-торож қилганлар.

Баён этилган ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари буйича айбдорларнинг аксариятига жазо муқаррарлиги таъминланиб, Ш.Қолиджонов, С.Идрисов ва Н.Исақовларлар суд олдида жавоб бермоқдалар.

Текширишларда шунингдек, айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам тадбиркорларнинг фаолиятига турли тўсиқлар қўйилмаётганлиги, ноқонуний қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ҳуқуқлари бузилгани ҳамда пул маблаглари ўзбошимчилик билан тасарруф этилгани маълум бўлди.

Хусусан, Боғлод тумани ҳокимининг қарори билан 42 нафар фермер хўжалиқлари ва 4 нафар тадбиркорлик субъектларига уларнинг розилигисиз қишлоқ врачлик пунктларига ҳомийлик вазифаси юклатилган.

Фурқат тумани ҳокими эса, "Э.Умματος" фермер хўжалигига қарашли ер майдонини захирга қайтариш ва хўжаликни тутатиш тўғрисида асоссиз қарор қабул қилган. Маъзур ноқонуний қарорлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди.

Тадбиркорларнинг ишига жиддий тўсиқ бўлаётган яна бир ҳолат сифатида жойлардаги назорат-текширув органлари томонидан ўтказилаётган ноқонуний текширишларнинг мисол қилишимиз мумкин. Ваҳоланки, Юртбошимиз давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тад-

Акmalxon МАДИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
катта прокурори

биркорларнинг имтиёзларини қўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Бундан қўланган мақсад, аввало, текширишлар сонини камайтириш, иккинчидан, назорат органлари томонидан тақдирий текширишлар ўтказилишининг олдини олиш, энг асосийси эса, ортиқча асабузариқларга чек қўйиб, тадбиркорларда самарали ишлаш ва изланиш учун кўпроқ вақт бўлишини таъминлаш эди. Шундай бўлса-да, афсуски, ҳанузгача мулкни бошқаришнинг янгича усулига қўника олмаётган айрим мансабдорларнинг бу борадаги бюрократик ёндашуви бу жараёнларнинг боришига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Хусусан, Каттақўрғон туман ДСИ ходимлари Д.Музаев, З.Ҳақимов ва Р.Халиловлар "Сам Шайх" Сервис" уюшмасининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор О.Турдиевнинг фаолияти устидан ноқонуний текшириш ўтказиб, унга тегишли асабу-анжомларни олиб қўйган бўлсалар, Сўх тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан "Мулки Нодирбек" хусусий фирмаси раҳбари Т.Мўйдинов, Янгийўл туман статистика бўлими томонидан "Турақулов Уринбой" хусусий корхонаси раҳбари С.Мамажонов асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилганлар. Пайқай туман ветеринария бўлими лаборатория муллари А.Шарипов бўлса, ҳеч қандай рухсатсиз хусусий тадбиркорлар Х.Сатаев ва Н.Музаффаровларнинг фаолиятини текширган. Тадбирлар ахтида маъзур ноқонуний қарорлар бекор қилинган ҳамда қонунни бузган шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Фуқароларнинг мувожазлари тўғрисидаги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда ҳам тадбиркорларнинг мувожазларини қўришда йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилди. Масалан, Навоий шаҳар ҳокимлиги етказчи муваҳхасиси Э.Тойиров ва "Ипак йўли" банки Навоий шаҳар филиали бўлим бошлиғи Ш.Шарипов тадбиркор М.Қобиловнинг банкдаги ҳисоб рақамиди нақд пул маблагини олишда ёрдам бериш ҳақидаги аризасини қонунда белгиланган муддатда қўриб чиқмаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортилдилар. Текширишларда М.Қобиловнинг ҳисоб рақамиди 2,5 млн. сўм нақд пулда тўлаб берилиши таъминланди.

Умуман олганда, прокуратура органлари томонидан ўтган йилда 1967 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг муаммолари қонун доирасида ҳал этилди. Жумлалан, 359 нафар тадбиркорга 5 млрд. 200 млн. сўмлик кредит, 66 нафар фермерга 962 гектар, 81 нафар тадбиркорга 75 гектар ер майдонлари ажратилди, 617 нафарига 3 млрд. 100 млн. сўмлик ҳақларини ундирилди, 259 нафарини эса давлат рўйхатига олинишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда тадбиркорларнинг муносиб ўрни борлигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди органлар ишнинг ажралмас қисмига айланishiга эришимиз лозим.

# Одам савдоси — ўта чигал муаммо

Одам савдоси тўғрисида таърихдан аввал унинг тарихига бир назар ташлайлик. Хўш, одам савдоси нима ва у қачон пайдо бўлган? Махсус алабиётларда ёзилишича, ибтидоий жамоа тузумида одам савдоси мавжуд бўлмаган. Урушда галаба қозонган қабила аъзолари душман қабиласининг асир тушган аъзоларини шунчаки пишириб, еб қўйишган. Асирга тушиб қолган кучли, ёш, бақувват жангчиларнинг гўштини есақ, унинг куч-қуввати еган одамга ўтади, деб ҳисоблашган. Буни энди турли хурофий расм-рўсулга амал қилган ҳолда одам гўшти ейишдан, яъни қаннибалемдан фарқлаш керак. Бора-бора асирга тушганларни еб қўйгандан кўра, эркакларни қул, аёлларни чўри қилиб, энг оғир юмушларни бажариштириш фойдалироқ эканлиги аён бўла бормас. Шундай қилиб қулдорлик тузмининг илк куртаклари пайдо бўлган. Кейинчалик қул остидаги қуллари ҳалдан ташқари кўпайиб кетган қабила бошлиқлари уларни сотиб, фойда қўриш пайига тушишган. Шу йўл билан улар ортқича қулларни едириб-иририш ва кийинтириш муаммосидан халос бўлишган. Ер юзининг кўпгина жойларида улкан қул бозорлари пайдо бўлган. Қулдорлик тузумида пайдо бўлган одам савдоси бироз бошқача қўришниларда навбатдаги ижтимоий-иқтисодий формацияларда ҳам мавжуд бўлган. Қуллар ҳар доим оғир ишларни бажаришга, оч-наҳор ва юпун юришга мажбур қилинган. Фақат Ислом дини туширибди. Қуръони карим нозил қилингандан кейин қулларнинг аҳоли бирмунча яхшилانган. Ислом таълимотида қилинган гуноҳлар, йўл қўйилган хатолар эвазига каффатлар сифатида қулларни озод қилиш лозимлиги ўқтирилди.

Урушларда асир олинган аёллардан уй-рўзгор ишларини бажаришга чўри сифатида фойдаланилган. Гарчи уларнинг ўз юртида эрлари тирик бўлса-да, асирга тушганларидан кейин тўрт ой ўтгач, яъни илди мулати тугагач хожа-ларга ҳалол қилинган. Шу йўл билан уларнинг фоҳишалик қилишларининг олди олинган. Акс ҳолда жамиятда нопоклик ва маший бўздук юзга келган бўлурди.

Кейинги пайтлардаги глобаллашув жараёнилари жаҳон тараққиётда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Аммо у турли ёвуз ниятли қимсаларга ҳам кенг имкони-

ятлар яратмоқда. Собиқ СССР пайтида жиноятчилар бир гуруҳ кишиларни алдаб, чегарадан олиб ўтиб, хорижий мамлакатлардаги ҳамкорларига қул қилиб сотиб юбориш имкониятига эга эмасдилар. Тўғри, қўшмачилар Иттифоқ ичидаги турли катта шаҳарларда яширин исловохоналар очиб, фоҳишаларнинг хизматидан фойдаланишган, лекин бу ишлар ҳозирги кундагидек глобал тус олмаган. Чунки Иттифоқ ичкаридан одамларнинг чиқиб кетишига эмас, балки ташқаридан айғоқчиларнинг кириб келишига тўсик қўйиш мақсадида чегараларни қаттиқ қўриқлаган. Ҳозирги кундаги одам савдосига 2000 йилда БМТ томонидан қабул қилинган "БМТнинг трансмиллй уюшган жиноятчилликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясига одам савдоси, айнани аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва таққидлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларни содир этганларга нисбатан жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қўшимча Баённома"да аниқ-тиник изох берилган: "Эксплуатация қилиш мақсадида одамларни куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиб ёки бошқача мажбурлов чораларини қўллаб ёхуд ўғирлаб ёки фирибгарлик йўли билан ёхуд алдаш ёки давлат ва қондаларини, тутган мавқенин суинистемол қилган ҳолда ёки бир шахснинг назоратидаги бошқа бир шахсни сотиб олиш йўли билан уларни ёллаш, ўтказиш, ташиш, сақлаш ёки уларни олиш одам савдоси ҳисобланади". Маълумотларга қараганда сўнгги 30 йил ичида Осиёда 30 миллиондан ортқич аёллар ва болалар жинсий қулликка маҳкум этилган экан. Бу бир йилда миллионга аёллар ва болалар қул қилиб сотиб юборилган дегани эмасми? Халқаро экспертларнинг ёзишича, "янги қулдор-

лар" йилига одам савдосидан 7 миллиард АҚШ доллари миқдорда соф фойда олар экан. Дунё бўйича эса ҳар йили 2 миллион 700000 киши одам савдоси қурбонига айланаётган экан. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг берган маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда 27 миллиондан кўпроқ шахс қуллик занжирлари билан боғланган. Биз бу ерда муболаға қилаётганимиз йўқ. Дарҳақиқат, кўпгина жойларда қуллар худди ўрта асрлардаги каби занжир билан боғланган ҳолда ишлатмоқдалар. Афсуски, республикамиз фуқаролари ҳам турли алдов ҳамда фирибгарлик йўли билан одам савдоси жабрдийдаларига айланмоқда. Мирзохўд Обидовнинг хабар беришича, (Одам савдоси — глобал муаммо. "Хуқуқ". II сон) "Ўзбекистон фуқаролари фоҳиша сифатида фойдаланиш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Италия давлатларида, меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса — Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилмоқда". Мустақиллик йилларида Республикамызда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий базиси шакллантирилди. Жиноят кодексида одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жиноий жазо белгиланган. Мирзохўд Обидовнинг берган маълумотларига қараганда, "2009 йил мубайнида Тошкент шаҳрида одам савдоси билан шуғулланганлиги учун 155 нафар шахсга нисбатан 92 та жиноят иши қўзғатилган. Чет элда ишлаб, миллионер бўлиб қайтасан, деб қол-қоп ваялалар бериб, ўзбекистонлик аёлларни чет элдаги фоҳишахоналарга сотиб юборётган шахсларнинг қўлчилиги аёллар эканлиги ўта ачинарли ҳолдир.

Йўлдош ПАРДА,  
"НУҚУ"

Аммо мени масаланинг бошқа бир жиҳати кўпроқ қўйяйди. Фирибгарларнинг ваядаларига учиб, уларга эргашиб кетган ҳар ўрта аёлдан айтайлик саккизташи ҳақиқатан алашиб, алданиб кетган бўлса, қолган иккитаси қадққа кетаётганини, нима учун кетаётганини, чет элда нима билан шуғулланиши лозимлигини билмаган деб ҳеч ким қалолат беролмайди. Хорижий мамлакатларда, айниқса, астағфируллох, эркакнинг эркакка уйланиши, аёлнинг аёлга турмушта чиқишини қонуллаштириб қўйиш лозим, деб айоханнос солинаётган мамлакатларда исловохона очиб қўйиш уйинчоқдек гап. Тегишли солиқлар тўлаб қўйилса, мижозларга турли қасалликлар юқтирилмаса бас. Юқорида тилга олинган, аёлларни алдаб-авраб четга олиб чиқиб, сотиб юборётган аёллар ҳам бир вақтлар шундай исловохоналарни гуллаб, бозори қасод бўлгандан кейин, "товар етказиб берувчи"га айлиниб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Юқорида айтганимиз ўша хонимчалар қадққа кетаётганини, нимага кетаётганини аниқ билишган. Фақат "бораман, бир-икки йил турман, пул тўла жомадон билан қайтаман", деб уйлаганлари хомтаманнинг хомхаёли эканидан бехабар бўлишган. Кўп йиллардан бери чет элликлар билан муносабатда бўлиб келаётганим боис бу "хонимчалар"га чет элдаги ҳаёт тўғрисида икки ойиз маълумот бермоқчиман. Сиз бормоқчи бўлаётган жой ўзбекчасига айтганда Ойша холангизнинг уйи эмас. У ерда ҳамма нарса учун, ҳатто ичилган бир пилла сув учун ҳам ҳақ тўланади. Озиқ-овқатнингиз,

кийим-кечагингиз мижознинг кўнглини ошлаш учун сепиландиган мушқу анбарлар тўғрисида таъбирмасча ҳам бўлади. Бундан ташқари сизни тез-тез тиббий қўриқдан "ўтказиб турилади". У ёқдаги врачлар эса сизга қўшни турувчи, керак бўлганда беш-олтига уколни бепул қилиб кетадиган таниш ҳамшира эмас. Худо кўрсатмасин, мижоз қасал бўлиб қолса, жаримаси ҳам сизнинг бўйинигизда. Ҳаммаси учун "ишлаб берасиз". Ўзини сизга онангиздан-да яқинроқ кўрсатишга уринаётган "опахон"нинг "юрасани, кетмон чопиб, тийинни-тийинга улаб. Юр мен билан, бойваччалар билан айш-ишрат қилсан, қўйин-кўнжинг пулга тўлади. Қайтач данигилма уйлар соласан. Тагинда "Иномарка", камилда "Ласетти", оғзинг тўла тилда тиш бўлади. Қўни-қўшилларинг ҳасаддан қуйиб ўлади", деган гапларга лаққа тушманг. Булар шайтоннинг васвасаларидир. Ўзингизни ўзингиз ўта отманг, ўзингизни ўзингиз қул қилиб сотманг. Ўзбекистон деган дунёда тенги йўқ давлатнингиз борлигига, фуқароларни уйлаб, жон куйдирадиган ҳукуматингиз борлигига шукрлар қилинг. Дарҳақиқат, давлатимиз, ҳукуматимиз барикенглигининг буюк намунасини кўрсатмоқда. 2008 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 240-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга биноан 2009 йил 18 ноябрь кунги Республика реабилитация Маркази ишга тушди. Шу кунга қўллаб жабрдийдалар ушбу муассасида тегишли тиббий, психологик ва юридик ёрдам олдидлар ва олмақдлар. Баъзи "жабрдийдалар"нинг чет элларга нима ахтариб кетганлиги ва ниятлари сароб бўлиб чиққандан кейин бир думалаб "жабрдийдалар"га айлангани қолганликлари маълум бўлса-да, ҳеч ким уларга қарата "ўзинг пиширган ошини айлиб ҳам ўзинг ичасан, ўргүлб ҳам ўзинг ичасан", қабилида эмас, балки "келинлар, кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олайлик, чўккан кўнглиларини баттар чўктирмайлик, адашганлардан бўлсалар-да, улар ҳам шу юртинг фарзандлари-ку", қабилида иш тутилаётганлигини билишармикан. Кошки билсалар...

# Алдовлар тузоғига илинганларнинг ҳаёти доимо хавф остида бўлади. Одамларни ҳўрлаш, қалтаклаш, қўрқитиш кучли руҳий изтироҳ ҳолатига олиб келади. Бу эса организмнинг касалликка қарши курашувчанлигини пасайтиради. Заҳ, совуқ ёки аксинча, ҳаво айланмайдиган лим хоналарда кўпчилик бўлиб, оч ва юпун яшаш азобдир. Шароит йўқлиги турли юқумли касалликларни юқтириш хавфини юзга келтиради. Оқибатда ўпка сими, сариқ касаллик, ошқозон-ичак, тери-таносил каби турли хил юқумли касалликлар, жумладан, белаволар - ОИТС касаллигини юқтирадилар. Юрак, буйрак, ошқозон касалликлари кабиларга чалинадилар.

Туманимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши кураш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 911-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда туман тиббиёт бirlашмасида тиббиёт ходимлари иштирокида йилешиш ўтказилди. Бундан қўзланган мақсад хорижда ишлаб, меҳнат ҳақини ололмастан қийнаётган, ўз уйларига қайтиш учун пул тополмасдан ўзгаларга қул сифатида меҳнат қилиб, қимлар учундир мўмай даромад манбаига айланаётган ҳамюртларимиз манзил-маконини аниқлаш, уларга имкониёни даражасида қўмақлашидир. Бундан ташқари баъзи хотин-қизларимиз хорижга алданиб кетиб танини сотиб кун кўраётганлигини, у жойларда турли юқумли ка-

салликларни юқтирилганлиги натижасида чет давлатлардан чиқариб юборилаётганлиги (депортация қилинаётганлиги) тўғрисида тушунтуриш ишлари олиб борилади. Одам савдоси бугунги кунда жинсий бизнес сифатида наркотибизне ва қурол-яроғ олди-сотдисидан сўнг учинчи ўринни эгаллаётганлиги боис, умумҳалқ муаммосига айланиб улгурган. Туманимиздаги Сарапоён қишлоғи "Истиқлол" маҳалласида яшовчи Қ.Ражабов ўгли С.Ражабов билан жинсий тил бириктириб, ўз ҳамюртларини Россия Федерациясининг Астрахан шаҳрига олиб бориб сотиб билан шуғулланган. Хуқуқ-тартибот органларининг савий-ҳаракатлари билан ушбу жиноятчилар фаолиятига чек қўйилди.

Туман тиббиёт бirlашмасига қарашли қишлоқ врачлик пунктлари ва туман қўп тармоқли поликлиникасининг маҳалла

М.АЛЛАМУРАТОВ,  
Хонқа туман прокурори

шифокорларига ўз худудидан чет давлатларга кетган фуқароларнинг рўйхатини тузиш топширилди. Чунки "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда ушбу қилиш жабрланувчилари реабилитацияси масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Айниқса, уларнинг саломатлигини тиклашга қўмақлашиш доимий равишда назоратда бўлишини таъминлаш вазифалари алоҳида белгилаб қўйилган. Туманимиз тиббиёт муассасаларида жабрланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун имкониятлар етарлидир. Аммо баъзи мутасадди раҳбарлар лоқайдликка йўл қўйишмоқда. Масалан, фуқаро Н.Бекжанова фуқаро З.Зариповани Қозоғистон Республикасига алдаб олиб бориб, фоҳишалик қилишга мажбур қилганлиги оқибатида ёш қиз теританосил касаллиги билан хасталанган. Бирок туман тиббиёт бirlашмаси мутасаддилари томонидан жабрдийдалар дарҳол соғломлаштириш чоралари қўрилмаган.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир вақтда бу боралда жиддий нуқсон ва кам-

чиликларга йўл қўйилаётгани ачинарли ҳолдир. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Ириқ санат корхоналари билан касана-чиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларига риоя қилиниши ўрганилганда, яратилмаган касаначилик ўринларини яратилди қабилида ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди.

Ўтган давр мобайнида хорижда ишлаб келган фуқаролардан 122 нафари тиббий қўриқдан ўтказилиб, 37 нафаридида касаллик аниқланган ва 26 нафари даволанган. Агарда Сизда чет мамлакатларда ишлаш истаги бўлса, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Агентлигига мурожаат этинг. Худудларда эса фуқароларни чет элга ишга юбориш масалалари билан шуғулланувчи ҳўжалик ҳисобидати худудий бюорлар мавжуд. Қонуний расмийлаштирилган ҳўжажатлар асосида чет элга бориб ишлаш ўша давлат худудларида зарурат туғилганда тиббий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмиш имкониятини яратди.

Яна бир гап. Чет давлатдан қайтиб келган фуқаролар, албатта, тиббий қўриқдан ўтишлари шарт. Улар тиббий қўриқдан бепул ўтказилади.

Хулоса шукки, алдовларга ишониб, соғлигингиз ва ҳаётингизни хавф остига қўйманг!

# Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосий вазифалар сифатида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамма меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш эътироф этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шोшилиқ чоралар қўриш, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши самарадорлигини ошириш объектив заруратида айланди. Айниқса, меҳнат муносабатларида инсон манфаатлари ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириш бормоқда. Бу борада ҳодимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда фаолиятларини амалга оширишларининг муҳим кафолати сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодийни қуриш, ҳалқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонуни-ми мустаҳкам замин бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахсининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Халқаро меҳнат ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳар бир фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясининг Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши,

Конституциямизнинг муқаддасида таъкидланганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондаларининг устуности тан олинганлигиндан далолат беради. Айниқса, Конституциянинг 37-моддасида ҳодимларнинг адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқининг мустаҳкамлаб қўйилиши уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишга оид қонунчилик механизмнинг янада ривожланиши ҳамда такомиллашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва амалга татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, 1993 йилнинг 6 майда ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофазасида қилишни ташкил этишининг ягона тартибини белгилловчи ҳамда фуқаролар соғлиги ва меҳнатининг муҳофазасида қилинишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат - Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофазасида қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунда меҳнатнинг муҳофазасида қилинишни таъминлаш, ишловчиларнинг меҳнатни муҳофазасида қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар, меҳнатни муҳофазасида қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати ҳамда ушбу ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз ифодасини топди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг муҳофазасида қилинишни таъминлаш учун "Меҳнатни муҳофазасида қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бозор қайта ўзгартиришлари шарт-шaroитларига жавоб берадиган меъёрий базани яратиш, шу асосда мулкчиликнинг барча шакллари ва ишлаб чиқариш усулларидаги қонунларда ишловчи ҳодимларни ижтимоий муҳофазасида қилишни кучайтириш мақсадида 2000 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳнатни муҳофазасида қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта қўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида"ги 267-сонли Қарори қабул қилинди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги қонуни билан "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги Конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги қонуни билан "Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шoшилиқ чоралар тўғрисида"ги Конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида меҳнат соҳасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилишини назарда тутувчи бир қатор нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 6-моддасига кўра, меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмагани алоҳида белгиланган. Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган вояга етмаганларнинг муҳим меҳнат ҳуқуқларидан яна бири - уларга нисбатан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланганлигидир. Хусусан, Меҳнат кодексининг 242-моддасига мувофиқ, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ҳодимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун еса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қўлиб белгиланди. Уқийдан бўлиб вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати юқорида кўрсатилган тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас. Ундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш таъқиқланади (Меҳнат кодексининг 245-моддаси). Бу еса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги Қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги конвенциянинг 3-моддаси талабларини мувофиқ келди. Унга кўра, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсимир соғлиги, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаганлик кераклиги назарда тутилган.

Меҳнат кодексининг 247-моддасига кўра, ота-оналар ва вояси-

лар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофазасида қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлигига зиён қилмайдиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказмайдиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эканликлари белгиланган. Юқорида зикр қилинган Конвенциянинг 7-моддасида миллий қонун ҳужжатларида агар ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга уларнинг соғлиги ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса, уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларидаги ёки уларнинг олган ўқувларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса, энгил ишларда ишлашга ёки ёлланма ишлашга рўхсат этиши мумкинлиги белгиланган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз Асосий қоमुсининг муқаддасида белгиланганидек, Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари устуности тан олган ҳолда ушбу қондаларга оғишмай риоя қилиб келмоқда. Шу мақсадда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар давом эттирилиб, вояга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофазасида қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳамда вояга етмаган шахсни меҳнатга бIRON бир шаклда жавобгарликни назарда тутувчи "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинди. Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2009 йил 21 декабрда имзоланди.

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги Конвенциянинг (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги қонуни билан ратификация қилинган "Болалар меҳнатининг оғир шакллари

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти гуруҳ  
раҳбари, юридик фанлари доктори.

таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шoшилиқ чоралар тўғрисида"ги Конвенциянинг (Женева, 1999 йил 17 июнь) ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги Конвенциянинг 1-моддасида ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, болалар меҳнатини батамом бекор қилишни таъминлашга йўналтирилган ва ишлашга ёки ёлланма рўхсат этилган энг кичик ёш ишчиларнинг тула жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ҳақидаги қонун мустаҳкамлаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадини кўзлайди.

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 3 та моддалар иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49, 51, 245-моддаларига қўшимчалар киритиш ҳамда уни 491-модда билан тўлдириниши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг "Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши" деб номланган 49-моддасига мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофазасида қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг "Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов" деб номланган 51-моддасига ҳам қонунда назарда тутилган ҳолатларни истисно этилганда, меҳнатга бIRON-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, у ҳолда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилди.

# Эмансипация:

## уни қўллашнинг айрим масалалари

**Замон ўзгариши ва ривожланишнинг прогрессив ларажада ўсиши муайян ҳуқуқий институтларни жадал ҳаракатга келтириш ва қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Хусусан, Фуқаролик ҳуқуқининг эмансипация институту бугунги кунда энг долзарб аҳамият касб этадиган, аммо унга нисбатан эътибор ва назарий муурожаатнинг суслиги тўғриси амалда кам қўлланиладиган институтлардан биридир.**

Эмансипация атамасининг фанга, умуман олданда жамият ҳаётига кириб келишида буюк тарихий шахслардан бири бўлган Людовик VI нинг ҳиссаси бениҳоя каттадир. У ўз мамлакатига ҳар томонлама сиқувга олинган, кўпгина ҳуқуқлари ва эркинликлари чеклаб қўйилган яхудиеларнинг ҳуқуқий ҳолатини худди протестантларнинг ҳуқуқий ҳолатидек яхшиламоқчи бўлади ҳамда 1782 йилда яхудиеларга тааллуқли Эдикт қабул қилади. Ушбу ҳужжат яхудиеларнинг қироллик худудида бемалол, ҳеч қандай тўсиқларсиз яшаш ҳуқуқини жамоатчилик томонидан тан олинишга олиб келарди.

Қадимги Рим хусусий ҳуқуқига эмансипация асосан оилавий муносабатларда қўлланилган ва оила ҳуқуқининг муҳим таркибий қисмини ташкил этган. Унга кўра, киши туғилган кунидан бошлаб ҳуқуқий лаёқатга эга ҳисобланган. Шундай бўлса-да, тўлиқ ҳуқуқий лаёқат вужудга келиши ва барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиш учун уч нарса талаб қилинган:

- 1) овоз инсон;
- 2) Рим фуқаролиги;
- 3) оила бошлиғи бўлиши.

Эмансипация Қадимги Рим хусусий ҳуқуқига "бушатиш, овоз этиш" деган маъноларни аналган. Ота мулақ ҳуқуққа эга бўлган оилада (Paterfamilias) ўғиллар, қизлар, набиралар эмансипация объектлари бўлганлар. Оталари уларни бешта гувоҳ ҳузурда овозликка чиқариб юбориши мумкин бўлган ва бунда улар тўла ҳуқуқли фуқароларга айланганлар. Яъни, ўзлари мустақил равишда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришиб, эркин ҳаракат қила олишлари мумкин бўлган.

Агар овозликка чиққан бирор ўғил ўз отасига ёки бошқа отага қайтиб келса, уни қайтариб олиш мансипация (mansipatio) дейилган ва у ҳам бешта гувоҳ шитроқида амалга оширилган. Эмансипация оилавий муҳитдан алоҳида ҳолда яшаш учун интилишга бўлган юридик ҳаракат бўлиб, асосан оиладаги ҳукмрон шахс томонидан оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан қўлланилган.

Бугунги кундаги замонавий қонунчиликда эса мазкур атам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган институт сифатида амал қилмоқда. Агар мамлакатимиздаги ушбу ҳуқуқни бошқа давлатларнинг ҳуқуқи, жумладан, бунда Россия фуқаролик қонунчилиги билан солиштири-

ганимизда ўртадаги тафовутлар унчалик катта эмаслигини кўриш мумкин. Бунинг Россия фуқаролик қонунчилигидаги эмансипация ҳолатига берилган таърифдан ҳам аниқлаб олаб бўлади.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 27-моддасида эмансипацияга шундай таъриф берилган:

"1. Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси шунингдек, контракт бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси ёхуд ҳомий ёки фарзандликка олувчининг розилиги билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса тўлиқ муомалага лаёқатли деб эътироф этилиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг тўлиқ муомалага лаёқатли деб эътироф этилиши, ота-онанинг хар ихкисининг розилиги билан васийлик ёки ҳомийлик органи томонидан, розилик бўлмаган тақдирда эса, суд томонидан амалга оширилади.

2. Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомийлар эмансипацияланган вояга етмаганлар мажбуриятлари бўйича, хусусан, зарар етказиш оқибатида юзага келган мажбуриятлар бўйича жавобгарликка тортилмайдилар".

Ушбу моддага берилган таърифта кўра, эмансипация ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб тан олишнинг янги асоси ҳисобланади. Бунинг учун вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича доимий иш жойи ёки тадбиркорлик фаолияти асосида мустақил моддий киримга эга бўлиши лозим.

Эмансипациянинг мақсади - вояга етмаган шахснинг мустақил ҳаракат қилиши ёки ўзи хоҳлаган битимни тузиши учун ҳар сафар қонуний вакилларидан розилик олиш заруратидан овоз қилишидир.

Эмансипация эса, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахснинг, агар у меҳнат шартномаси бўйича ишласа ёки ота-онанинг розилиги асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, тўлиқ муомалага лаёқатли деб эътироф этилишидир.

Амалдаги қонунчилигимизда кўра, фуқаро вояга етган деб ҳисобланиши учун ўн саккиз ёшга тўлган бўлиши лозим. Бу ёш цензи халқро ҳужжатларда ҳам ўн саккиз ёш қилиб белгиланган. Масалан, БМТнинг 1989 йилда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясининг 1-моддаси ҳам ўн саккиз ёшдан бошлаб одамзот бола эмас, вояга етган деб

ҳисобланиши таъкидланган. Шу билан бирга, фуқарони вояга етган деб ҳисоблаш учун қонун ҳужжатларида ўн саккиз ёшдан кичик ёш ҳам белгиланиши мумкин. Бунда қонун ҳужжатларида бир қатор шартлар белгиланган. Ана шу шартлар асосида фуқаро ўн саккиз ёшга тўлмасдан олдин ҳам вояга етган деб ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, эмансипация ва вояга етганга қадар қонуний никоҳдан ўтиш ҳолларида шундай бўлади.

Эмансипацияни қўллаш шартлари ва қоидалари МДХ мамлакатларида бир хил аҳамият касб этади. Чунки бу атам умумий тарзда тўртта мезон орқали ифодаланади. Булар: ижтимоий, тиббий, минтақавий ва психологик мезон.

Ижтимоий мезон - бу шахснинг қандай жамиятда яшаётганлиги ва унга нисбатан ўзга шахсларнинг муносабатлари даражаси ҳисобланади. Муайян шахсга нисбатан жамиятнинг ишонувчанлиги бир қарашда салбий ҳолатдек туюлгани билан, аммо шу шахснинг қандай тарбияланиши жамиятнинг унга ишонган ҳолда етарли шариоатларни яратиб берганлигига боғлиқдир. Бундан ташқари оилавий муҳитнинг ҳам катта аҳамияти бор.

Тиббий мезон - бу шахснинг жисмоний етуклиги, нуқсонларнинг камлиги ёки қандай даражада эканлиги билан боғлиқ. Аммо булар тиббий мезонни тўлиқ ифодалай олмас-да, муҳитнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан тиббий нуқтаи назардан баҳо бериш мумкин. Яъни шахснинг жисмоний ва руҳий етуклигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу мезонни қўпроқ шахснинг меҳнат қобилиятига қараб аниқлаш мумкин.

Минтақавий мезон - географик жиҳатдан муайян бир мамлакатнинг ҳолилаши ўрни ва иқлими унда яшайдиган фуқароларнинг ёшига нисбатан етуклиги анча илгарилаб кетишига олиб келади. Бунга ёрқин мисол сифатида бир қанча давлатлардаги балоғатга етиш ёшнинг кўрсатиши мумкин. Иссиқ иқлим миқтақларда (асосан Марказий Осиё ва Шимолий Африка) бу ёш анча паст кўрсаткичда бўлса, нисбатан совуқ, асосан Европа давлатларида бу ёш анча юқоридир. Чунки ташқи иқлимий жараён киши организмига уни ривожлантириш учун етарли ва сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Психологик мезон — бола психологияси билан шуғулланиши шунинг кўрсаткичи, унда шахс ривожланиши билан бир қаторда унинг руҳий етуклиги параллел равишда кечади. Агар улардан биронтаси ўсиш даврида олдинга ёки кейинга қараб кетса, боланинг ривожланиш темпераменти ўз ўнарилиши йўқотади.

Маълумки Оила кодексига кўра, никоҳ ёши эркеклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти

ёш қилиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, никоҳга кирувчиларнинг илтимосига кўра, мазкур ёш никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойининг туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшнинг кўпи билан бир йилга қисқартириши мумкин. Зарур ҳолларда маҳаллий ҳокимият идоралари руҳсати билан никоҳ ёшнинг бир йилга қисқартириши масаласини ҳал қилишни судларга олиб бериш лозим. Бундай ишлар бевосита фуқаролик судларида тааллуқли ҳисобланади. ФПКнинг 31-моддаси 2-бандида ушбу кодекснинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида суд томонидан алоҳида иш юришти тартибда қўриладиган ишлар рўйхати берилган. Эмансипация ҳолатини ҳам 279-модда таркибига киритиш лозим. Умумий олиб қарасак, никоҳга киришдан олдин, агар никоҳланувчилар муомалага лаёқатсиз бўлсалар, авваламбор уларни муомалага лаёқатли деб топиш керак бўлади. Агар ўн олти ёшга тўлмаган шахслар никоҳга киришадиган бўлсалар, уларни ўзлари берган аризаларига кўра суд томонидан вояга етган деб топиш мумкинлигини қонунчиликка жорий қилиш зарур. Натихада эмансипация институтининг амал қилиш доираси ва кўлами кенгайса, пировардида фуқаролар учун аҳамиятлик даражаси ошади. Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу ишга аралашishi фуқаролик судлари билан келишимовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Агар шахслар ўртасида никоҳ муносабатлари ўрнатиладиган ва тарафлардан бири ёки иккаласи ҳам вояга етмаган бўлса, улар судга алоҳида тартибда ариза бериб никоҳланувчиларнинг биттаси ёки иккаласини ҳам муомалага лаёқатли деб топиш борасида муурожаат қилишлари мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилиши ёхуд қонун нормасида бунинг акс этириши лозим. Шундай қилинса, баъзи бир ҳолдан ташқари, агар вояга етмаган ёки юз бериши субъектив жиҳатдан исталмаган ҳаракатлар ёхуд ҳодисалар натижасида ҳақиқий эмас деб топилган никоҳлар никоҳ муносабатларига киришган шахслар (эр ва хотин) учун ҳеч қандай салбий ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармади. Яъни никоҳланишдан олдин эмансипация эълон қилинган шахс мазкур никоҳни ҳақиқий эмас деб топилганидан сўнг ҳам муомала лаёқатини тўлиқ сақлаб қолади. Аммо фуқаролик кодексига бундай норма йўқ. Агар юқоридаги ҳолатларнинг умумий жиҳатларидан келиб чиқилса, ФКнинг 22-моддасига куйидагича қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсада мувофиқ бўлади:

1) ФКнинг 22-моддаси 1-қисмидаги "ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш" сўзларидан сўнг "...ҳамда белгиланган мажбу-

**Адҳам ОДИНАЕВ,**  
Бош прокуратуранинг  
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

риятларни олиш" сўзларини киритиш керак;

2) ушбу моддага "ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганларга фақат эмансипация ҳолати қўлланилганидан сўнггина қонуний асосда никоҳдан ўтишларига руҳсат этилади" деган қоидадан учинчи қисм сифатида киритиш лозим.

22-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари ўз навбатида тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисобланиб, улар ўрнига "Агар шахслар ўзлари нисбатан эмансипация ҳолати қўлланилгандан сўнг никоҳга киришсалар ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳлари бекор қилинса ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда ҳам уларнинг тўла муомалага лаёқатли эканлиги сақланиб қолади" деган жумла киритилса, фикримизча мақсадга мувофиқдир.

Тарихий келиб чиқишига кўра эмансипация асосан бирор қатламнинг шаъни ва қадриятини билан боғлиқ ҳуқуқларини турли хил камситишлардан ҳимоя қилиш учун хизмат қилиб келган. Шу билан бирга, аввалдан ҳуқуқий маъвоке атайлаб камситилган ижтимоий қатламнинг ҳуқуқларини тенгликка бошқалар билан тенглаштирилишида юридик восита бўлган. Ҳозирги замон фуқаролик қонунчилигида эса бу ҳолат индивидуал шахсга нисбатан қўлланилади, яъни бу ерда бир нечта ҳуқуқ соҳаларидаги нотенгликларни тенглаштириши эмас, балки битта ҳуқуқни — фуқаролик қонунчилигидаги ҳуқуқни тенглаштириш назарда тутилади. Бунинг учун иккита жиҳатга эътибор берилади:

1. Шахснинг ижтимоий ҳолати, яъни оилавий аҳволи ёки қандай оилада тарбия топаётганилиги ва ота-онанинг унга нисбатан муносабати. Эмансипацияни қўллаш учун ота-онанинг боласига нисбатан муносабати, албатта, илтибор бўлиши керак.

2. Меҳнатга қобилиятлилиги, яъни ўзи мустақил равишда меҳнат қила олиш ва қилган меҳнатига яраша иш ҳақини талаб қила олишидир.

Мана шу иккита жиҳатнинг шахсда мавжуд бўлиши ҳамда унинг васийлари ва ҳомийларининг розилиги шу шахснинг бевосита суд томонидан вояга етган деб эълон қилишга асос бўлади.

Ўқорида келтирилган фуқаро ва мулоҳазаларга таянган ҳолда шундай хулоса чиқариш мумкинки, эмансипация вояга етмаган шахснинг ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб тарбияланишида оилавий тарбия муҳитига ёрдам бериши мумкин бўлган ҳуқуқий институтдир.

Зеро, пок ва софидил шахснинг тарбияланишида ҳеч қим ва ҳеч бир нарса оила билан тенглаша олмайди.

Ғоҳида "Инсон пешонада борини кўради. Қисматида шу ҳам бор экан-да. Ҳеч ким тақдирдан қочиб қутула олмайдми. Ҳа, энди ҳаммининг ҳам кўнглида шайтон бор. Туппа-тузук одам бўлса ҳам барбирин, бир ишкани чиқади-да" деган гапларни эшитиб қоламиз. Аслида ҳам шундайми?

Билмадик, балки юқоридаги гапда қайсибир маънода жон бордир. Аммо мактабдан ўйлаб қараганимизда қилаётган хаёти-ҳаракатимиз, бажарётган ишларимизнинг сабабчиси асли ўзимиз.

Анвар Абдуллаев ҳам била туриб, ўз бошига қутимдаган савдоларни сотиб олди. Тўғри, у дастлаб ишларининг бу қадар чаппасидан кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Дарвоқе, агар у олдинроқ бу ҳақда ўйлаганида, балки бутун суднинг қора курсисига ўтирмаган, қилмишлари учун олди суд олдида жавоб бермаган бўлармики?!

Минг афсуски, у жиноят солир этди. Бунга эса А. Абдуллаевнинг нафси сабаб бўлди, десак янглишмаймиз.

Т.Усмонов катта ниҳатлар билан Жиззах тумани Транспорт ва саноат касб-хунар коллежига кириб келди. Дарвоқе, у инглиз тили фани ўқитувчиси. Коллеж директорининг ёнига кириб экан, Т.Усмонов ҳужжатларига яна бир назар ташлаб олди. Директор билан бўлиб ўтган сўхбатдан сўнг Т.Усмонов ишга

## Нафс ёмон бўлса...

қабул қилинди. 2009 йилнинг 28 август кунини эса Т. Усмонов 1-сонли буйруқ билан коллежнинг инглиз тили фани ўқитувчиси вазифасига тасдиқланди.

Дастлаб барчаси бир маромада кетаётган эди. Аммо бариси Т.Усмонов нақд пул ҳисобидан қолган ойлик иш ҳақини олиш учун коллеж хазиначисининг ёнига борадида бошланди. Ш.Набиев унга маошини бермасдан, аввал директорга учрашини кераклигини билдиради. Бу ҳолдан ҳайрон бўлган Т.Усмонов директорнинг ҳузурига кириб, маошини ололмаганини айтди.

— Коллежга ишга ўтганингни учун пулни қачон берамиз? — сўради А. Абдуллаев.

— Агар олиб келиб бермасангиз, январь ойининг иш ҳақидан ушлаб қоламан, — деди директор.

Табийки, Т.Усмонов директор билан бўлиб ўтган сўхбатдан қаттиқ ранжийди. Аммо, у директорга пулни беришга мажбур эди. Шу боис у яна бир бор коллеж директорининг хонасига кириб, у билан бу ҳақда сўхбатлашди:

— Домла, сиз билан қандай ҳисоб-китоб қоламиз? Қанча бўлади? — сўради Т.Усмонов.

Р.АБДУГАНИЕВ,  
Форш туман прокурори

— Бир оқлад ҳисобидан, — ўз навбатида жавоб қайтарди домла ҳам.

— Бир оқладим 300.000 сўм. Сизга 300.000 сўм беролмайман, ҳамма ўқитувчилардан 200.000 сўм олгансиз-ку...

— Йўқ, бошқалардан ҳам бир оқладдан олганман. Майли, сен 250.000 сўм бера қол.

— Бўпти, эртага 200.000 сўм пул олиб келаман, қолганини кейинроқ бераман.

Т.Усмонов директорга берган ваъдасида турди. У айтилган кунда 200.000 сўм пулни олиб келиб, директорнинг хонасига кирди. Пуллари чўнтагидан чиқариб, директорга узатар экан, А.Абдуллаев ўз эҳтиётини қилиб, пулни олди. Аксинча, шафнинг тортмасини кўрсатиб, пулни ўша жойга қўйишини айтди. Т.Усмонов пулни айтилган жойга қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Ишнинг бу қадар тез ва осон битганидан А.Абдуллаевнинг қувончи чексиз эди. Афсуски, унинг бу қувончи узоққа чўзилмади.

## Тавбасига таянмаганлар

Тун яримлаган, савдо тўхтаган. Шу боис у ичкарида, оморчида телесериал томоша қилмоқда эди. Кўча эшити очилганини эшитиб, пештахта ёнига чиқди-ю, юзига қора никоб тортиб олган, милтиқ ва тўплонча ўқалган кишиларни кўриб, ўтақаси ёрилабди. Оғиз жұфтлашга улгурмади, бошига темир таёқ билан уришди. Ичкарига судраб киришди. Телефон симини узиб олиб, оёқ-қўлларини чирмаб ташлашди.

— Бор пуллариңгни чиқар, — биттаси бўзига пичоқ қалади...

\*\*\*

Мўминжоннинг бир оз кайғи ошиб, "туллаб" қўйди:

— Даладан милтиқ топиб олдим.

— Олиб қоч-а, олиб қоч!  
— Жийдаларни тағида ўт ўраётсам, ўроқ қаттиқ нарасга тегди. Милтиқ, целофанга ўралган...

Гап оралаб, Сайфутдиннинг қулоғига чалинди. "Милтиқ бўлса, ов қилардик", дея Мўминжонга ўсмақчилади. "Сизда боракан-а?"

— Топиб олганман.  
— Менга бериб туринг.  
— Агар овга бирга борсак, майли, бераман.

Милтиқни олиб кетган Сайфутдин икки-уч кун ўтиб, Абдусаттор билан Мўминжоннинг уйига борди. Катта Фаргона каналда бўйидаги кимсасиз жойга бошлади. Темир қирқадиган аррада милтиқнинг тигини калта қилиб кесишди.

— Мана, ихчамгина бўлди, — деди Абдусаттор. — Кўзга ташланмайди.

Сўнгра чўнтагидан тўплонча чиқарди.

— Қардан топдиз? — сўради Мўминжон.

— Лотореяга ютиб олдим, — Абдусаттор кулди. — Афсус, юз миллион чиқмади-да, шу матоҳнинг ўрнига!

— Ана, банкни умринг!

— Эшитганинг тағида меласалар пойлоқни, яқинлашиб бўлсиз! — деди Сайфутдин. — Заправка, аптекаларга яхлитгина пул тушади. Кечаси боссақ...

— Тагин қамалишга тобим

Хамиджон МЕЛЬНИКОВ,  
Тошлоқ туман прокуратураси  
терговчиси

йўқроқ, — Мўминжон пайсалланди.

— Каллани ишлатиб, биронтаям из қолдирмасак, топиб бўпти! — Абдусаттор уни хотиржам қилди. — Битта мошина, бир-иккита эгчил йигитлар бўлса...

— Маҳаммаджоннинг "Дамас"и бор, гапга кўнади, — деди Мўминжон. — Қодиржонм беиш, садақага зор.

— Латтачайнар эмасми ишқилиб?

— Икковими "ўтириб" чиққан. Ишончли болалар!

— Бўлмаса, аввал "разведка" қилиб, серпулроқ жойини танлаймиз. Кейин...

\*\*\*

Милициянинг тезкор ходимлари етиб келишганида босқинчиларнинг қораси ўчган эди.

— Пичоқни тираганида, қўрқиб кетдим, — деди ўша тунда Тошлоқ туман марказидаги болалар шифохонаси ёнида жойлашган "Сайлана шифо" дорихонасида навбатчиликда турган Озодбек Мирзаев. — Менга тегманлар, пуллар телевизорни олдида, пештахтанинг гапонидида ҳам бор дедим. Савдо хонасида яна киминдир калтақлашди. Аёллар бақирди. Қўлим боғлиқ эди. Бир амаллаб ечдим. Оёғимни ҳам бўшатиб, милицияга телефон қилдим.

— Бетида никоб бўлса, биронтасини овози таниш туюлмадимми?

— Йўқ... Пулдан ташқари иккита "Нокция" қўл телефонларини ҳам опетишди.

Ўша тунда босқинчиларнинг кетидан дорихонага кириб, бехос воқеа шоҳиди бўлиб қолган Қосимжон Зокиров тайинли гап айтмади.

— Ўғлим Жавлонбекнинг иситмаси чиқди, — деди у. — Дарров машинада хотиним ва аям билан бирга касалхонага олиб келдим. Улар машинага қайтиб чиқиб ўтиришди. Мен врач тайинлаган дориларни олгани дорихонага кир-

дим. Сотувчисини чақирсам, ичкаридан бир қўлида тўплонча, бир қўлида пул солинган целофан пакет қўтарган, юзига қора тутган одам чиқди. "Нима қилиб юрибсан" деб дўқ урганида, "лори керак бўй қолди" дедим. У тўплонча билан бошимга урмоқчи бўлганида чап бериб, фўксига мушт солдим. Целофан пакет ерга тушиб, пуллар сочилиди. Ичкаридан шериклари чиқишди. Биттаси темир таёқ билан ураётганида бетимни икки биллагим билан тўсишга улгурдим. Ташқарида аям билан хотиним кўриб туришган экан, бақириб, ёрдамга чақирдишди. Бунга эшитган босқинчилар даф бўлишди. Ташқари ёруғ эди. Эллик метрча нарида турган "Дамас" машинасига ўтириб, кетворишди.

— Неча киши?

— Тўрт киши, ҳаммасининг юзидеа никоб...

— "Дамас"нинг номерини кўрмалдингизми?

— Номерсиз эди...

Қосимжон Зокировнинг аяси билан хотини ҳам машина номерини кўришмаган экан.

Тезкор-қидирув тадбирлари бесама қолаётган бир пайтда босқинчилар тортиб олган қўл телефонларидан бирининг дарағи чиқди. Ушбу телефонда гапчишиб юрган оқ "Дамас" ҳайдовчиси Маҳаммаджон Абдуллаев гумонланувчи тариқасида ушланиб, сўроқ қилинганида айбига иқдор бўлди. Шундан сўнг Мўминжон Ошиқов билан Қодиржон Юлдашев ҳам ҳибсга олиндилар. Аввалроқ хорижага чиқиб кетган шериклари Абдусаттор Ашуров ва Сайфутдин Жўраевга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Суд мажлисида аниқланганидек, 2009 йилнинг 29 апрель кунини кечқурун соат 23:00ларда тўплонча, қирқма милтиқ, пичоқ ва темир таёқ билан қуролланиб олган Найманбўстон қиллоғидек босқинчилар тўдаси "Дамас" машинасида Тошлоқ туман маркази, болалар шифохонаси ёнида жойлашган дорихонага босиб киришди. Сотувчинини калтақлаб, иккита "Нокция" русумли қўл телефони, савдо пули бўлиш 400 минг сўмни эгаллаб, яширинишди. Дорихонага кириб, қаршилик қўрсатган харидорга тан жароҳати етказишди. Кейин Катта Фаргона каналли бўйига келиб ўлжани тақсимлашди.

М.Ошиқов, М.Абдуллаев ва Қ.Юлдашевнинг айби иқдорликларидан ташқари жарланувчи ва тувҳоқларинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ тасдиқланди. Муқаддам бир неча бор судланиб, табасига таянмаган босқинчиларга узоқ муддатта озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

## «Занжирли» жиноят



Ҳикмат АБДУЛЛАЕВ,  
Гурлан туман прокурори,  
Мирзабек ЖАПАҚОВ,  
журналист

Гиёҳвандликнинг муҳим оқибатлари тўғрисида ўқимаган, эшитмаган одам бўлмаса керак. Бу иллатнинг зарарлари ҳамма аянчи

натижалари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида тез-тез ёритилиб, корхоналар, ўқув муассасалари ва маҳалларда тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, иродаси заиф, келажак тақдирини ўйламаган айрим шахслар унинг таъсирига тушиб, умрларини заҳарламоқдалар. Заҳри қотилин ўзларинга истемол қилиб, жонларига жабр қилганлари етмаганидек, ўзгаларни ҳам бу йўлга бошлаб гиёҳвандлик гирдобига тортмоқдалар.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди томонидан ана шундай шахсларнинг тўрт нафари устидан ҳукм ўқилди. Қизғин шундаки, бу шахслар бир туманда эмас, вилоятнинг турли бурчакларида яшашса-да, уларни занжир каби бир-бирига "боглаб" суднинг қора курсисига етаклаган нарсга геронн эди. Гурлан туманида ишовчи Мурод Юсупов (исмлар ўзгартирилган) танишининг уйда бир бўлак героинни сотиш мақсатида таразида тортиб кўраётган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг пайпоғи ичидан ҳам бир бўлак гиёҳвандлик воситаси топилди. Вазни 14,4 грамм бўлган бу заҳри қотили у Урганч шаҳрида яшовчи таниши Қувондиқдан олганлигини билдириди.

2009 йил 3 декабрь кунини Урганч шаҳрига келган Муродни Қувондиқ "Дамас" машинаси билан қўлиб олишга боради. Машинага ўтиришга, Муроддан 550 минг сўм олган Қувондиқ геронн топиб қўйганлигини айтиб, уни хотиржам қилди ва рулни Шовот каналли томон бурди. Бироз юрчак Муродга машинадан қўлиб қўлиб туришини айтди-да, йигирма минутлар чамаси ўтиб қаттиб келади ва 15 грамм героинни Муроднинг қўлига тутқазди.

Гиёҳванд модда сотганликда гумон қилиниб, ички ишлар бўлимига олиб келинган Қувондиқ айбини тан олиб, героинни қўшқўшрилиқ Ширин исми аёлдан олганлигини айтди.

Шириннинг яшаш жойи Хоразм вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан тинтув қилинганда, қадокданган 0,38 грамм геронн топилди. Ширин ҳам айбини бўйнига олиб, ҳақиқатдан ҳам Қувондиққа 15 грамм героин сотганлиги, "мо"ни хивалик Шоқир исми шахсдан олганлигини айтди.

...Заҳри қотилини ёстиги ичида сақлаётган Шоқир уйига ички ишлар ходимлари келаятганлигини билчак, унинг ичкаридан қўлфлайди-да, боғ тарафга ўтиб, ёстиқни қўшинининг ҳовлисига отиб юборди. Аммо "Ласетти" русумли автомашинанинг ичидиги героинни яширишга улгурмади.

Шу тариқа геронн сабаб бир-бирига занжирдек уланган оғуфурлар қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди томонидан ушбу шахслар турли хил муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар. Қолаверса, улардан ашёвий далил сифатида олинган миллионлаб сўмлар, минглаб АКШ долларлари ҳамда автомашиналар давлат эгаллигига ўтказилди.

Агар улар оғуфурлиқнинг аянчи оқибатларини эртароқ англаётганларида, бу ишга қўл урмаган, охир-оқибат миллионлаб пуллару, қимматбаҳо автомашиналаридан, қолаверса, инсон учун энг азиз неъмат — озодликдан ажралмаган бўлардилар.





# Ўзингдан чиққан балога...

Олим НУРУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим прокурори

Янги ҳовли-жой ёки уй олингандан кейин, оила бошлиғи уни ўзининг дидига мос қилиб қайта қуриши ёхуд у ер, бу ерини ўзгартириши бор гап. Кенжа ўғли ҳовли олиб чиқиб кетгач, Жамол ака (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам катта ўғиллари билан уникига бориб, ёрдамлашиб юрди.

Уша куни ҳам эрталабдан Санжарниқиди бўлишди. Аллақанча ишларни бажаришгач, ўртанча ўғил Самад уйга қайтди. Отаси билан катта акаси Суръатни эса Санжар машинасида олиб келадиган бўлди. Улар кечки пайт йўлга отланишди. Уйларига яқин қолганда Суръат машинани тўхтатишни сўради-да, бекат ёнидаги дўконга кириб кетди.

— Аканг яна ичкилик олиб чиқса керак. Бекор тўхтаганимга, болам. Ичиб олса, яна бир балони бошлайди.

— Нима қилай, дада? Ўғлингизнинг феълини биласиз-ку! Агар шу ерда тўхтатмасан, қиёмат қилади. Сиз ҳам бир оғиз у-бу деб қўйсангиз бўларди.

— Майли, кўйдиригисизга ичсин, аммо тўполон қилмасан бўлган. Акангнинг охириги пайтда нима жин урди, билмай қолдим. Бир нима десанг, ўдағайлайди. Энди бир камини шу ёшимда ўғлим билан ёқалашиб юришим қолувди...

Ота-бола ўзаро сўхбатлашиб ўтиришар экан, икки шиша пиво билан бир литр ароқ қўлтиқлаган Суръат пайло бўлди. У машинага ўтиригач, яна йўлга тушишди. Уйларига етиб келишгач, ота кенжа ўғлини кузатиб юборди-да, уйга кирди. Отаси билан акасининг келганини кўрган Самад тезда улар учун егулик тайёрлашга киришди. Дастурхон атрофига ўтиригандан, отанинг номоз ўқиган кириб кетганидан фойдаланган Суръат ароқ шишасини очиб, пиёлаларга қуйди-да, биттасини укасига узатди. Бироқ у ичмилан бош тортиди. Бундан Суръатнинг жаҳли чиқди.

— Ушла.

— Ичмайман.

— Тўшунмадим... Мени қўлимни қайтараяпсанми? Акангнинг-я? Ол, тез...

— Ичмайман дедим-ку!

Самад шундай дейишга дедию аммо акасининг важҳатини кўриб, ноилж пиёлани олди. Бир кўтаришда бўшатиб, стол четига қўйди. Акаси унга мамунун жилмайиб, яна қўйди. Самад бу сафар унинг қўлини қайтармади. Суръат энди унга қарамай, ўзини-ўзи "мехмон" қила бошлади. Ака-ука шу зайлда у-бу нарсалардан тотиниб ўтиришар экан, остона хатлаган отанинг

уларга кўзи тушиб, авзойи бузилди.

— Бу нима қилганларинг-а?! Уялмайсанларми ичиб ўтиришга? Хайф сенларга!

У шундай деганча айвонга чиқиб кетди. Оралдан кўп ўтмай Суръат бир шиша пиво билан пиёлани олиб, отасининг ёнига йўл олди.

— Ҳа, отам, ўтирибсизми? Бир ўзингиз зерикиб ўтиргунча мени ҳам қақирмайсизми? Майли, қақирмасангиз ҳам ўзим чиқдим. Сиз билан би-ир отамлашай...

У шундай дея пиёллага пиво қуяётган эди, полга тўкилиб кетди.

Буни кўрган отанинг жаҳли чиқиб, ўлга бақира бошлади: — Ҳой, эсинг жойидами, ўзи-а? Нима қилаяпсан? Ким сенга пиво ичаман деди, ким? Бор, хонангга чиқиб кет. Қўзимга кўринма.

— И-е, озиб-эзиб сиз билан бир ўтирмакчи бўлсам-у, ҳайла-япсизми? Ё пиво тўкилганига жаҳлингиз чиқдими? Тўқилса, ундан нари... Ахир ер тўймагунча, эл тўймайди дейишди-ку! Ҳаҳ, отам-а! Пивога ачиндингизми?

Жамол ака қараса, унинг кайфи ошиб қолибди. Бунақа пайтда унга гап ўқтиришнинг фойдаси йўқ. Шунинг учун Самадди қақира бошлади. Бунинг эшитгани Суръатнинг энаси қотди:

— Ҳа, укам сизга "защитник" бўлиб қолдими? Келиб нима қилиб беради унингиз?..

— Нималар десанг, падарларнат? Қанақа "защитник"? Сен болага ақл битадими ўзи? — у шундай дер экан, Самаднинг овози эшитилди.

— Ҳа, дада, нима гап? Тинчликми?

— Келдингми, болам. Қара, аканг пивони тўқиб юборди. Лагта билан тезда артиб олгин.

Самад индамай чиқиб кетди-да, кўп ўтмай лагта олиб келиб, пиво юқини артиб олар экан, отаси кўшини хонага кириб кетди. Аламини қимдан олишни билмай ўтирган Суръат энди унга ташланди:

— Ҳа, укам, "защитник" бўлиб қолдингизми? Шунақа зўрмисиз-а? Менга ҳам кўрсатасизми кучингизни?

— Ака, қўйинг шунақа гапларни? Ундан кўра хонангизга кириб ухласангиз-чи? У ёқда дамани ҳам хафа қилдингиз.

— Ўв, менга қара, қачондан акангга ақл ўргатадиган бўлиб қолдинг? Кимсан ўзи? Нима, жа кучинг ошиб кетаяпганим?

— Ҳа, кучим ошиб кетган

бўлса нимаиди? — энди Самаднинг ҳам жаҳли чиқа бошлади. — Ҳали уни баҳона қилиб уруш чиқарасиз, ҳали бунинг... Индамаса, устимга минидан ҳам тоймайсиз шекилди...

— Нима дединг, мен уруш чиқараманми? Ўв, хоҳласам-чи, устингга миниб, ҳовлини айлантираман, тушундингми?

— Бўлди-да, жонга тегиб кетдинг-ку! — энди Самад ҳам ўзини бошқара олмай, акасини сенсиратганча дўқ ура бошлади. — Мендан нима истайсан ўзи-а?

— Ие, ҳали мени сен дейдиган бўлдингми? Тилингни сугуриб олмай яна...

Уста-уст ичилган пиво билан ароқ ўз кучини кўрсатиб, аввалдига даҳанаки жанг қила бошлаган ака-ука, кўп ўтмай ёқа бўғиша бошлашди. Бир-бирини судраганча ҳовлига чиқишди. Суръатнинг кайфи тароқлиги туфайли, табиийки, Самаднинг қўли баланд кела бошлади. У жаҳл билан акасининг юзига кетма-кет мушт туширар экан, Суръат ҳам бўш келмас, оғзига қелганини қайтармай, укасига қўшиб оила аъзоларининг ҳам гўрига гишт қалар эди. Ахирга айни шу пайтда уларнинг ҳолидан хабар оладиган, ажратадиган одам йўқ бўлиб, ота ичкарида, она эса кенжа ўғилниқиди эди.

Навбатдаги зарба кучли бўлди шеклили, Суръат йиқилиб тушди. Бу вақтда Самад ўзини илора қилишга ожиз бўлиб, ерда ётган акасининг дўл келган жойига тепа бошлади. Суръат зарбаларнинг кучидан гўжанак бўлганча, ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлар, аммо бунинг иложини тополмас эди. Айни шу маҳалда уларнинг шовқинини отаси ҳам эшитди чоғи, ичкаридан ҳой-ҳойлаганча юзуриб чиқди:

— Ҳой, нима қилаяпсанлар? Эсларингни еб қўйибсанлар-ку! Самад, сенга нима бўлди ўғлим? Акангга қўл қўтаришга уялмадингми? Олдиннинг ҳар нима бўлгани яши...

У шундай дея Самадни четга суриб, Суръатнинг тепасига келди-да, уни турғизмоқчи бўлди. Аммо кучи етмади.

— Ҳаҳ, болам-а, болам-а! Сенга нима зарил эди шунча ичиб? — У энди Самадга юзланди, — ке, Самад, акангни кўтаришиб юбор. Кунинг совуқинини қара, яна музлаб қолмасин. Уйга олиб кирайлик.

Ота-бола бир амаллаб, Суръатни ичкарига олиб киришди.

— Самад, нима бўлди ўзи? Акангни нимага урдинг?

— Ўзини кўрмайсизми? Қачон қарама ичиб, тўполон қилади. На сизни, на онамни тан олади. Нима, битта у одамга биз ҳеч киммасангизми? Қурбақанимга боссангиз "вақ" дейди. Биз одаммиз, ахир!

— Бўпти, ўғлим. Сен энди акангни тинч қўй. Бироз ухласа, ўзига келиб қолади. Сен ҳам жойингга бориб ухлагин, лекин уриб яхши иш қилмабсан...

Суръатни криватига ёқизгач,

чиқиб кетишди. Тун осойишта ўтди. Эртасига эрталаб, Самад отасининг талаби билан акаси ётган хонага бош суқиб кўрди. Қараса, Суръат девор томонга ўтирилганча, хириллаб ётибди. "Ҳа, ҳалиям кайфи тарқамабди-да! Шунча ишни қилишга қилиб, яна ҳеч нарса бўлмагандек ухлашини қаранглар!" Самаднинг хаёлидан шундай ўй ўтар экан, акасини безовта қилмай, эшикни секин ёпиб қўйди.

— Хавотир олманг, дада, унингизга жин ҳам урмайди. Ухлаб ётибди. Ё кечқурун ёки эртага ўзига келиб қолади.

Жамол ака ўғлининг гапидан кейин хотиржам бўлди-да, кенжаниқидан хабар олишини айтиб, чиқиб кетди.

Дарҳақиқат, Суръат ичиб, маст бўлганидан кейин, бир-бир ярим кунча ухлар эди. Отасини укасиникига кузатгач, Самад ҳам ўз ишлари билан андармон бўлиб кетди. Тушликдан кейингина акаси эсига тушиб, яна унинг олдига кирди. Бу пайтда Суръат кроватта суянганча ўтирар, юз-кўзлари шишиб кетган эди. У секин бошини кўтариб, укасига қарадио ҳеч нима демасди. Самад аввалдига ундан ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлди, аммо кечаги воқеалар ёдига тушиб, индамасликни маъқул кўрди. Ташқарига чиққач, ўзига ўзи "керак бўлса ўзинг чиқиб, ювиниб оларсан" дедико уй ишларига уннаб кетди. Аммо Суръат шу кунга ҳам ҳовлига чиқмади. Кун шу тарихга ўтди. Кечки пайт Жамол ака қайтиб келди. Бироқ нима учундир Суръат ҳақида умуман сўрамади. Эртасига эрталаб, ота яна кенжа ўғилниқига отланди. Кетиш олдида Суръат ётган хонанинг эшигини очиб қаради. Ўғли кроватта суянганча ўтирибди. У индаммай эшикни қайта ёлди-да, Самадга кетаётганини айтиб, чиқиб кетди. Отаси кетгач, Самад акасининг олдига йўл олди. Қараса, Суръат кеча қандай бўлса, ўша аҳволда ўтирибди. Ичкарига кириб, унга яқинлашди. Бироқ акаси қимирламади. Ёнига яқинроқ боргач, бирданки таҳайли келган фикрдаң сескани кетди.

"Наҳотки?!" У этлари жимирлаганча секин акасига яқинлашди, қўлидан ушлаб кўрди. Мюздек. "Ростдан ҳам ўлиб қолган бўлса-я? Бўлиши мумкин эмас?! Ўлган бўлса нима қиламан?"

Энди Самад тамоман довлитраб қолган эди. Миёсига минг хил ўйлар келар, ўзи ҳам хоҳламаган, билмаган тарзда акасининг қотилига айлибди қолганини ақлига сиғдиролмас эди. "Нимадир қилиш керак. Аммо нима?"

Уйлай-уйлай миёсига келган охири бир қарорга келди. Қопта солиб, анҳорга қўқтириб келди. Тамом, вассалом. Акаси билан уришганини фақатгина отаси кўрган. Аммо у ҳам Суръатнинг ўлганини билмайди-ку! Кейин эса, ҳеч нарса бўлмагандек юраверди. Бир ҳисобда акасининг жанжалларидан ҳам қутулди.

Энди отасини кутиб олиб, у ухлагандан кейингина ишга киришиш лозим бўлади...

Шундай ҳаёллар билан ошхонага кириб қараса, стол устида акасининг телефони ётибди. Сим картасини чиқариб, синдириб ташлади-да, телефонни чўнтагига солиб қўйгач, отасини кута бошлади. Кўп ўтмай Жамол ака кириб келди. Самад худди ҳеч нарса бўлмагандек, унга овқат сузиб берди, хонасига кириб кетди. Отаси ухлаганини билгач, секин ҳовлига, кейин хабар олгани кўчага чиқди. Узоқдан кўринган бир-икки йўловчини ҳисобга олмаганда ҳеч зог йўқ. Чўнтагидан акасининг телефонини олиб, уни ҳам синдиригач, уйга қайтди. Томорқа томонга ўтиб ундан бўшаган қоллардан қўлтиғига қисгач, катта-катта тошлардан ҳам тўр қоп топиб, жойлади. Йўл-йўлага машинанинг юкхонасини очиб, тош солинган тўр қопни солиб қўйди. Кейин ўша ердаги эски чойшабни олиб, акаси ётган хонага кирди. "Хўш, қопни чойшаб билан ўраб қўяман. Қолган ишлар ҳам битди. Энди кўчада ҳеч ким қолмаслигини куттишим керак"

Соат миллари тунги иккинчи кўрсата бошлаган пайтда ўринадан туриб, мурдани қопга жойлади. Кейин чойшаб билан ўраб, машинанинг юкхонасига амаллаб жойлагач, ўт олдириди. Машина шитоб билан ҳовлини тарк этди. Қорасув каналига яқинлашгач, кулай жой қилира бошлади. Мўлжалдагини топгач, машинадан тушиб, атрофни бироз кузатди. Ҳеч ким йўқ. Шундан кейингина юкхонадан мурда солинган қопни паस्ता туширди. Тошларни ҳам олиб, уйдан олган каноп билан акасининг оёқларига маҳкам қилиб боғлади. Сўнгра қирғоққа келиб, секингина сувга туширди. Пуртана зумда қопни ўз бағрига олди. Машинага қайтиб, рулни уйи томон бурди. Ахлат тўқиладиган жойда тўхтаб, акасининг кийимларини ташлаб юборди. Мўлжалдаги ишларни битиригач, хотиржам ҳолда уйига келди, ҳеч нарса бўлмагандек, ётиб ухлади. Эртасига отаси Суръатни сўраган эди, акам икки кунча олдин 300 минг сўмо пул олиб, қаёққадир кетди дея жавоб берди...

\*\*\*

Мана, воқеа тафсилотлари билан танишингиз. Бу сафар ҳам унинг содир бўлишига аксарият ҳолларда кузатилгандек, ичкилик сабаб бўлди. Бироқ шу ўринда яна бир мулоҳаза. Тоҳида ёши улуглардан ота бўлиш осоан, аммо оталик қилиш қийин, деган гапларни эшитиб қоламиз. Дарҳақиқат, ота бўлгач, фарзанднинг тарбияси билан рисоладагидек машғул бўлиш ўзига оқ сонаъат ҳисобланади. Бу эса осоан юмуш эмас. Ундан ташқари, бепарволик дея аталувчи иллат ҳам борки, у не-не оилаларнинг бўзилиб, ҳаётини эндигина бошлаган ёшларнинг умри хазон бўлишига сабаб бўлмоқда. Жамол акага ҳайрон қолсан, киши. Ўғлининг ичкиликка муқаддасдан кетишига учуроқ қараб тургани ҳолда, уч кун кўрмаса-да, унинг аҳволи билан қизиқмасан?! Ваҳоланки, ака-уканинг уришганино тўнғич ўғлининг жароҳат олганидан хабар бор эди-ку. Бу сафар ҳам бепарволик пача берди.

# Мустақиллик ва маҳаллий давлат ҳокимияти Тизимининг шаклланиши



Ўзбекистон Республикаси ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятига эга бўлган илк кунларидан бошлаб Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва беvosита раҳнамоларида давлат ва жамият қурилишининг ўзимизга хос моделини вужудга келтириш, давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб борасида тизимли, bosқичма-bosқич ислохотлар стратегияси белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Мазкур мақсадларда мамлакатимизда қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органларини ислох қилиш билан бир вақтда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ислох қилиш борасида ҳам bosқичма-bosқич ишлар амалга оширилди.

Аввало, "Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ 1992 йил январидан бошлаб, вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик институтини жорий этилди.

Тарихан жула қисқа муддатда қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини белгилаб берди. Унинг XXI боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" деб номланиб, унда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунмаган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган Халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишлари кўрсатилган.

Конституцияда белгиланган қоидалар кейинчалик "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ривожлантирилди.

Унда маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий, молиявий асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг структураси ва фаолиятининг ташкилий асослари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари, Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг фаолиятида қонунийликнинг кафолатларига оид нормалар ўз аксини топди.

Бу борада амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхтаганда, бу жараёнларни алоҳида

икки даврга ажратиш мумкин.

Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохотларни ўз ичига олган дастлабки bosқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган давр бўлди.

Мазкур даврда мамлакатда амалга оширилган сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг биринчи bosқичи яқунланди.

Бу bosқичда давлат қурилиши ва бошқаруви бўйича юқори малакали, замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш ишларини тубдан яхшилаш масаласи ҳам устувор вазифалардан бирига айланди.

2001 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олган иккинчи bosқич - фаол демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса сиёсий ҳаётимизни, давлат бошқарувини изчил ислох қилишнинг таъминлашда гоёт муҳим рол ўйнаган давр бўлди. Мазкур bosқичда устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборат бўлди. Мазкур жараёнда давлат ҳокимияти органларининг ишини замон талабларига мувофиқ равишда тубдан яхшиламай туриб, ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмаслиги асос қилиб олинди.

Бу аслида, давлат қурилишида бошқариш ишларини ва маълум даражада ваколатларини аста-секин марказдан настидаги бошқариш бўғинларига бериш, шунинг ҳисобидан уларнинг фаолигини ошириш, шу жумладан, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, аввало, маҳалла тузилмалари, шунингдек, жамоат тузилмалари ваколатларини bosқичма-bosқич амалга ошириш ва уларга кўпроқ ишонч билдириш, деган маънони ифодалайди.

Мазкур bosқичда аввалгисидан фарқи равишда давлат қурилиши ва бошқаруви жараёнларини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган маҳаллий ҳокимият органлари жойларда ислохотларни изчил амалга оширишда қатнашар эканлар, бунда инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳисобга оладиган, унинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган энг алоқатли ижтимоий макон бўлмиш фуқаролик жамиятини қуриш борасида ҳам муҳим натижаларга эришмоқлари керак.

**Жаҳонгир РЎЗИМУРОВОВ,**  
СамДУ ҳуқуқшунослик  
факультети 1-курс талабаси



Тожикистон жанубида рўй берган сув тошқинлари оқибатида 15 нафар киши ҳалок бўлди. Табиий офат оқибатида турар-жойлар, кўприклар вайрон бўлган.

Республика фавулодада вазирлар кўмитаси ахборотида қара-

## Сув тошқини

ганда, яна 40 нафар киши бедарак йўқолганлар рўйхатида кiritилган. Табиий офатдан Тожикистоннинг минглаб аҳолиси азият келди. 12 та кўприк бузилиб, 150 тадан зиёд уйлар сув остида қолган ҳудуд шикастланган, сел оқими йўлларни ва экин майдонларини ювиб кетган. Сув тошқинидан қўрилган зарар 100 миллион доллардан ошиб кетди ва бу рақам яна ўзгариши мумкин.

"Интерфакс" хабарида айтилишича, айрим ҳудудларда сел шунчалик шиддат билан кел-

тидан қурбонларнинг жон сақлаб қолишга имкони бўлмаган.

Шунга ўхшаш ҳодиса мамлакатда Уттан йил ҳам бўлганини таъкидлаш керак. Уттан йилнинг май ойида кучли жала ёғиши оқибатида келиб чиққан тошқинлар 18 нафар фуқаронинг ҳаётига зомин бўлган эди. Шу йилнинг январ ойида эса Республика кучли zilzila оқибатларидан жабр кўрди. 5 баллан ошган кучли ерсти елликанишлари айниқса юқори тоғ ҳудудидоги қишлоқларга зарар etkazди. Рох ва Гишхоқ қишлоқларида бир қанча уйлар қулаб, йўللار бузилган эди.

## Боғчадаги қотиллик

Хитойнинг шимолий Шаанси вилояти Ханьчон шаҳрида номаълум шахслар томонидан болалар боғчасига ҳужум қилиниши натижасида етти нафар бола ҳалок бўлди ва 20 нафардан ортиги жароҳатланди, дея хабар беради France-Press агентлиги. Воқеа 12 май куни содир бўлди. Жароҳатланганлар маҳаллий касалхонага etkazилган. Боғчага ҳужум уюштирган шахслар ушланмагани ҳозирча маълум эмас. Шунингдек, рўй берган қотиллик тафсилотлари ҳақида ҳам маълумотлар берилмапти.

Хитойда кейинги икки ой ичида бешинчи мартаба болаларга ана шундай ҳужум уюштирилди. 30 апрелда фермер Ван Юнлай шарқий Шаньдунь вилоятида бошланғич мактаб ўқувчиларига темир болга билан ҳамла қилиб, улардан беш нафарини яралаган, шундай кейин эса бензин билан ўзини ўзи ёқиб юборган эди.

28 апрел куни личоқ билан қўролланган эркак



киши Гуандун вилоятидаги бошланғич мактабга бостириб кириб, 18 нафар ўқувчини ва ўқитувчи аёлини ярағлади. 23 март куни эса собиқ шифокор Чжэнь Миньшэнь қайлиги билан жанжаллашиб қолгач, Фузэнь вилоятидаги мактаб ҳудудида ханжар билан саккиз болани ўлдириб, яна беш нафарига тан жароҳати etkazди. Бир кун аввал 46 ёшли Сюй Юйюэнь Цзяньсу вилоятида болалар боғчасига ҳужум қилиб, 29 нафар болани, икки нафар тарбиячи ва қоровулни жароҳатлаган. Бу каби кетма-кет ҳаммалар муносабати билан мамлакатда bevosита мактаблар ва болалар боғчаларига туғаш ҳудудларда кучайтирилган полиция соқчилиқ назорати жорий этилди. Шунингдек, рудий касалликка чагинганлар ҳам алоҳида назорат остига олинган.

## Фарзанди учун отаси

26 апрелда 35 минг еврони олиш чоғида ушланган МДУ давлат бошқаруви факультетининг катта ўқитувчиси Полина Суринага нисбатан жиноят иши кўзга-тилгани ҳақида сешанба кун хабар тарқатилди. Бундан аввалроқ РФ ПТКнинг жиноят иши кўзга-тилган ҳақидаги қарори прокуратура томонидан бекор қилинган эди, бироқ ушлаш пайти акс этган кадрлар ошкор бўлиб машамла бошланган, Сурина яна айбланувчига айланди. Унинг отаси факультет декани Алексей Сурин эса ўз лавозимидан четлаштирилди.

"Интерфакс" ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар манбаларига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, Сурина айбланувчи тартиқасида сўроқ қилинган. РФ прокуратураси хузуридаги тергов кўмитасининг пойтахт тергов органлари РФ ЖКнинг 290-моддаси билан жиноят иши кўзга-тилди. "Тумон қилинувчи фуқаролар унинг яқин қариндошини М.В.Ломоносов номидоги МДУ давлат бошқаруви факультети пуллик бўлинимасига ўқинишга киритиш учун 35 минг еврони пора тартиқасида олгани аниқланди", дейилди РФ ПТК матбуот хизмати хабарига.



## Собиқ раҳбарга айб қўйилди

Молдавия ИИВ собиқ раҳбари Георгий Папукга

нисбатан яна бир жиноят иши кўзга-тилди, деб ёздаи "Комсомольская правда в Молдове" газетаси. Бу сафар уми махфий ҳужжатларни йўқотишга айбланмоқда. Гап қандай маълумотлар ҳақида бораётганига эса аниқлик киритилмаган. Нашрининг хабар қилишича, 2003 йилдан 2009 йилгача вазир ИИВ котибиятига "махфий" ва "ўта махфий" тамағси ostидати бир қатор ҳужжатларни қайтариб топширмаган. РФ Республика Бош прокуратурасига таяниб берган хабарга кўра, бу ерда гап давлат сиринга даҳддор ҳужжатлар ҳақида бормоқда.

Георгий Папук Молдавияда ҳокимият тепасида коммунистлар ўтирган вақтда ички ишлар вазирлигига раҳбарлик қилган, президент лавозимини эса партия йўлбошчиси Владимир Воронин эгаллаган эди. 2009 йилнинг oxирida республикада либерал-демократик коалиция ҳокимият тепасига келганидан кейин ҳарбий кучлар тузилмаларининг бошқа раҳбарлари каби у ҳам лавозимдан маҳрум бўлди.

ИИВ раҳбари истеъфога чиққанидан кўп вақт ўтмай унга нисбатан жиноят иши очилди. Папукни 2009 йилги апрель воқеаларида совуққонлик кўрсатганликка айбланди. Эслатиб ўтамиз, ўша вақтда муҳолифатчиларнинг норозилик намойишлари тартибсизликлар келтириб чиқаргани оқибатида парламент ва президент бинolari вайрон қилинган, ўнлаб одамлар жароҳатланган эди.

Кейинчалик собиқ вазирни хизмат ваколатларининг сунистемол қилганликка ҳам айбланди. Прокуратура берган маълумотта қараганда, жумладан, у ички ишлар вазирлиги ижарага олган биноларни компартия тасаруфига бериб юборган. Папук эса ўзинга қўйилган айбларни тан олгани йўқ. Унинг янгидан очилган жиноят ишига муносабати ҳозирча маълум эмас.

## Фавқулодда ҳолат режими яна узайтирилди

France-Press агентлигининг хабарига кўра, Миср парламенти сешанба кун 1991 йил мамлакатда жорий этилган фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунини амал қилиш муддатини яна икки йилга узайтирди. Депутат-



ларнинг 308 нафари режими узайтириши eқлаб ovoz берган бўлса, 103 нафари қарши ovoz берган ва 43 нафари бетараф қолган. Қонун 2010 йилнинг 1 июнидан кучга кириб, 2012 йилнинг 31 майига қалар амал қилди. Ҳукумат терроризм ва наркотрафикка алоқадор шахсларга нисбатан энг қаттиқ жазо чоралари қўлланилишини ваъда қилган.

Ҳуқуқ ҳимоячилари 1981 йилда президент Анвар Садат ўлдирилганидан кейин жорий этилган режимга мутлақо қарши

чиқмоқдалар. Ушандан буён режими муддати ҳар икки-уч йилда мунтазам равишда узайтириб келинмоқда. Бунга АҚШ давлат департаменти ҳам ўз муносабатини билдириб, фавқулодда ҳолатнинг сақланиши Миср ҳукумати ваъдаларига мос эмаслигини eслатиб ўтди. Лекин шунга қарамастан ҳукумат қонунга жиддий ўзгартiriшлар киритилганини таъкидлагани ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқлари сунистемол қилиниши ва бузилишига йўл қўймаглигини ваъда қилган.

Интернет хабарлари асосида **Б. НАЗАРОВ** тайёрлади



# Қум устига қурилган қаср

## Ёхуд ноқонуний йўл билан топилган бойлик

Гулчехра Раззоқова  
СВОЖДЛҚ  
Департаментнинг  
Тошкент вилоят бошқармаси  
матбуот гуруҳи катта инспектори

Хар қандай ишнинг муваффақияти замирида аввало ҳалоллик, поклик ва энг муҳими халқ манфаати ётади. Аммо орамизда ҳамон бундай ҳислатлардан узоқ бўлган кимсалар ҳам учраб туради. Аниқроғи, мавжуд қонуларга чап бериб, кўча-кўйда, турли таққиланган жойларда хоржиёй валютани алмаштиришни ўзларига "касб" қилиб олганларга ҳамон дуч келинмоқда. Бош прокуратура хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан валютага оид жиноятларни аниқлаш, валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар яросини таъминлаш, валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида ўтказилаётган тезкор тадбирларда ана шундай қонунбузилиш ҳолатларини содир этган кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида валюта операциялари бўйича ҳисоботларнинг тўлқинлигини таъминлаш, хоржиёй валютани қонунга хилоф равишда муомалага бўлиши ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар натижасида 52 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Шундан 14 та ҳолат бўйича жиноят, 38 та

ҳолат бўйича эса маъмурий ишлар қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижасида, ноқонуний равишда муомалага киритилган 46 минг 245 АҚШ доллари, 254 минг Қозоқ тенгеси, 116 млн. 581 минг Ўзбекистон сўми, 42 минг 130 Россия рубли ва 50 Евро ашёвий далилий сифатида олиб қўйилиб, давлат ҳисобига ўтказилди. Мисол учун Департаментининг Юқоричириқ туман бўлими ходимлари томонидан тезкор маълумотлар асосида тумандаги Бордонқўл қишлоқ фу-

Энгил даромад топиш илинжида, қинғир ишга қўл урганлардан яна бири Фаҳриддинхўжа Усмоҳходжаевдир. У ҳам бирон-бир турдаги маҳсулот олди-сотдисини эмас, балки "долларфурушлик" билан шуғулланишни ўзига лозим топди. Валюта қимматликларини республикамизда ноқонуний муомалага киритиш, сотиб олиш, айирбошлаш жиноят эканлигини билса-да, лекин тавakkал қилиб Янгийўл шаҳрида жойлашган "Йулдош ота" тўйхонаси ёнида валюта олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади.

Аммо, Департаментнинг Янгийўл шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда у қонунга хилоф равишда 2700 АҚШ долларини 5 млн. 996 минг сўмга сотаётган вақтида ушланди.

Ғайриқонуний йўллар билан топилган мабғул эвазига келган бойлик қум устига қурилган қасрга ўхшайди. Бу бино қанчалик ҳамамдор, жозибали бўлмасин омонатдир. Бу ҳақиқатни унутган айрим кимсалар ҳалолликка эргашши ўрнига, шахсий манфаатларини қондириш учун нопокликка ёндошадилар.

Республикамизда жорий валюта операциялари бўйича сўмининг эркин алмаштирилиши расман эълон қилинганлиги иқтисодиётнинг барқарорлашувиغا, ички валюта бозорининг эркинлашувиغا, товарлар экспорт — импорти ҳажмининг ошишига, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул тушумларининг эркинлашувиغا имкон яратди. Шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча аҳоли яшайдиган жойларида миллий валютаимизни чет эл валютасига айирбошлаш шохобчалари фаолият кўрсатаётганлиги туфайли фуқаролар хоржиёй валютани сотиб олиш ёки сотиш имкониятларига эга бўлдилар. Бу савб-ҳаракатлардан қўзланган асосий мақсаллардан бири ҳам аввало ноқонуний валютафурушлар фаолиятига чек қўйиш эди. Шунинг учун ҳам бозорларда, кўчаларда қўлда валюта олди-сотдиси тақиқланди. Бу ҳам кўпчиликка ойдий равшан. Ангрэн шаҳрининг Наврўз-2 маҳалласида яшовчи фуқаро Абдулҳалил Пулатов эса бунинг яхши билса-да, "шоҳида эмас баргида юрман" қабилида иш тутди. Лекин, кўза кунда эмас, кундида синиши турган гап. Худди шундай бўлди ҳам. Департаментнинг Ангрэн шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда бу олғир 3000 АҚШ долларини ноқонуний равишда 7 млн. 350 минг сўмга муомалага киритмоқчи бўлган вақтда ушланди. Ҳолат юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш вақтида фуқаро Абдутолиб Пулатовнинг ёнида яна сотиш учун олди юрган 50 Россия рубли ва 125 АҚШ доллари борлиги аниқланди.

Валюта олди-сотди операциялари барқарорлашувига, ички

амалга оширилса, ҳар икки томон — сотувчи ҳам, харидор ҳам ютқазмайди. Энг муҳими, банк миқоз олдидagi мажбуриятини қонуний ва кафолатли бажаради. Албатта, қонун ва давлат манфаатига ҳурмат билан қарайдиган, ўз хотиржамлигини қарлайдиган ҳар бир киши жиноятга қўл урмасдан, белгиланган тартиб бўйича банкларга мурожаат этиши табиий ҳол. Бироқ амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, ноқонуний валюта олди-сотдисини амалга ошираётган кимсаларнинг хизматидан фойдаланиб улардан қалбаки доллар сотиб олиб ёхуд кам миқдордаги пулни олиб чув тушиб қолганлар ҳам йўқ эмас. Ҳақиқийлиги кафолатланган валютани олмасдан, шубҳали шахслар хизматидан фойдаланиш эса ҳар томонлама хавфли ва зарарлидир. Қийрайт тумани "Саллар" ШФЙ, Университет кўчасидаги кўп қаватли уйлар олдида фуқаро А.Мамадов ўзининг бошқарувидаги "Нексия" русумли, давлат рақами 70 Т 912 АА бўлган автомашина салонига қонунга зид равишда 5000 АҚШ долларини 10 млн. 250 минг сўмга сотиб олаётган вақтда ушланди. Ноқонуний муомалада бўлган хоржиёй валюталарини далилий ашё сифатида олиниб, ҳуқуқбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди.



қаролар йиғини худудида жойлашган 5-сонли автокорхона ёнида ўтказилган тадбирда валютафурушлик билан шуғулланаётган Отабек Соибов ва Исмоилбек Солиховларнинг қонунга зид бўлган фаолиятига чек қўйилди. Улар 1 АҚШ долларини 2380 доллар ҳисоблаб, жами 6000 АҚШ долларини 14 млн. 280 минг сўмга сотаётган вақтда қўлга олинганлар.

жозибали бўлмасин омонатдир. Бу ҳақиқатни унутган айрим кимсалар ҳалолликка эргашши ўрнига, шахсий манфаатларини қондириш учун нопокликка ёндошадилар.

Республикамизда жорий валюта операциялари бўйича сўмининг эркин алмаштирилиши расман эълон қилинганлиги иқтисодиётнинг барқарорлашувиغا, ички

# Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари

Давоми. Бошланиши 6-бетда/

"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳим жиҳатларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг "Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш" деб номланган янги 491-модда билан тўлдирилди. Унга қўра, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарама солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги қонуни билан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги Конвенциянинг 9-моддасига қўра, ваколатли ҳокимият органи томонидан мазкур

Конвенция қоидаларини ҳаётга самарали татбиқ этишни таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан тегишли жазоларни белгилаш чоралари қўрилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги қонуни билан ратификация қилинган "Бошлар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шовиланч чоралар тўғрисида"ги Конвенциянинг 5-моддасида ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, меҳнат қасрлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этидиган қоидалар қўлланилишининг назоратини амалга ошириш учун тегишли механизмлар яратиши ёки бундай механизмларни белгилаши ҳақидаги қоида назарда тутилган.

Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамаси воя-

га етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунигини тан олган ҳолда ушбу қоидаларга оғишмай рия қилиб келмоқда. Қолаверса, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Ундан ташқари, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" ҳамда "Бошлар спортини ривожлантириш" жам-

ғармалари сафарбар қилинганлиги ҳам ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш ишларига алоҳида диққат-эътибор қаратилаётганлигини 2010 йилга юртимизда "Барқамол авлод йили" деб ном бергани ҳам кўриш мумкин бўлади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "ҳар томонлама етук авлодига бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўра мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиши, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти" ҳисобланади.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Раҳматулло Тўхтамишевга падали бузруквори НАЗАР отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

**Huquq**  
yuridik gazeta  
**Ta'sischi:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**  
**Tahrir hay'ati:**  
Yusupbov G'OIPOV,  
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib),  
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53.  
**Faks:** 233-64-85, 233-10-53.  
**E-mail:** info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 231 ISSN 2010-7617

Buyurtma j-9444. 23 916 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriliv va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi dizayner: S.BOBODJONOV  
Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV  
Navbatchi: O'.DEHONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishiigan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy. Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9